

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2021 йил 14 сентябрь, № 197 (7977) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ТРАНСПЛАНТОЛОГИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 13 сентябрь куни хирургия хизматини трансформация қилишга оид тақдимот билан танишди.**

Юртимизда йилига ўртача 750 мингта жарроҳлик амалиёти бажарилади. Жаҳон тиббиёти ютуқлари ўрганилиб, зарур шароитлар яратилаётгани натижасида республика марказларида қилинадиган операциялар тури 350 тага, вилоят марказларида 130 тага, туман шифохоналарида 60 тага етди. 32 та шифохонада замонавий эндоваскуляр хирургия бўлимлари ташкил этилган.

Академик В. Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази бу йўналишдаги асосий муассасадир. Ҳудудларда унинг 14 та филиали фаолият юритмоқда.

Тақдимотда ушбу марказнинг тиббий-илмий салоҳияти, ҳудудларда ўтказилган кўриклар натижалари ҳақида маълумот берилди.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурида туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари негизида 35 та туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказлари ташкил этилиши белгиланган эди. Шу мақсадда жорий йил 26 июлда давлатимиз раҳбарининг "Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Бугунги кунда ушбу марказлар босқичма-босқич ташкил этилмоқда. Уларнинг ҳар бири 50 ўринга эга бўлади. Замонавий жиҳозланадиган бу марказлар юқори технологик жарроҳлик амалиётларини туманларнинг ўзида бажариш имконини беради.

Тақдимотда шу борада амалга оширилаётган ишлар Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманидаги шифохона мисолида кўриб чиқилди. У Оқолтин, Сардоба ва Мирзаобод туманлари аҳолисига хизмат кўрсатади. Президентимиз қарорига мувофиқ, марказ яқинда 1 миллион долларлик асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Ҳозирги пайтда телемедицина мулоқотлари ташкил этилиб, шифокорлар малакаси оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари туманлараро марказларда қилинадиган жарроҳлик амалиётлари турини 79 тага, вилоят даражасида 168 тагача етказиш мумкинлигини таъкидлаб, бунинг учун зарур шароит яратиш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Бугун энг керакли йўналишлардан бири — органлар трансплантацияси. Кейинги йилларда бу соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, ҳуқуқий-ташкилий асослар яратилмоқда. Хусусан, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида кардиожарроҳлик, трансплантология ва нейроқон-томир жарроҳлиги бўлимлари учун янги бино қурилмоқда.

Юртимизда 500 нафар бемор жигар, 1 минг 500 нафар киши буйрак трансплантацияси амалиётига муҳтожлигини билдирмоқда. Жарроҳлик бўлимларининг жиҳозланиши талаб даражасида эмаслиги, малакали мутахассислар етишмаслиги, иммуногенетик текширувлар лабораторияси йўқлиги соҳа ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу боис Республика хирургия илмий-амалий тиббиёт марказини трансплантологияга йўналтириб, иммуногенетик лаборатория ва симуляцион марказ ташкил этиш, Наманган, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида буйрак трансплантациясини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари илғор технологиялар асосида ташхислаш, операция қилиш ва даволаш бўйича мутахассислар тайёрлаш, чет эллардаги етакчи тиббиёт муассасаларига малака оширишга юбориш зарурлигини таъкидлади.

Молия вазирлигига бу мақсадлар учун зарур маблағ ажратиш, трансплантолог жарроҳларга иш ҳақини табақалаштирилган тарзда тўлаш тизимини жорий қилиш вазифаси қўйилди.

**ЎзА.**

## МУЗАФФАР СПОРТЧИЛАРИМИЗ ЭЛУ ЮРТИМИЗ АРДОҒИДА



I Игры стран СНГ КАЗАНЬ 2021

***Жорий йилда Ўзбекистон фарзандлари халқаро спорт мусобақаларида улкан ютуқларни қўлга киритмоқдаки, уларнинг номи мустақил юртимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан битиляпти. Жумладан, яқинда Токиода уюштирилган ёзги Олимпиада ўйинларида вакилларимиз учта олтин ва иккита бронза, айнан ушбу шаҳар мезбонлик қилган XVI Паралимпия мусобақасида эса вакилларимиз 8 та олтин, 5 та кумуш ва 6 та бронза, жами 19 та медалга сазовор бўлган эди. Улар бошлаб берган ғалаба эстафетасини бошқа спортчиларимиз Россиянинг Қозон шаҳрида ўтган I МДҲ ўйинларида давом эттиришди.***

МДҲга аъзо тўққиз мамлакатдан вакиллар қатнашган ушбу мусобақада Ўзбекистон спорт делегацияси аъзолари 23 та олтин, 32 та кумуш, 36 та бронза — жами 91 та медаль билан умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашди. Ўзбекистонлик спортчилардан яхшироқ натижани фақат мусобақа мезбони Россия терма жамоаси аъзолари (215 та медаль) қайд этишди.

Кеча Ислом Каримов номидаги "Тошкент" халқаро аэропортига ғолибларни тантанали кутиб олиш, қутлаш учун давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, спортчилар, уларнинг ота-оналари, яқинлари, дўстлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари йиғилди.

Спортчиларимиз ўтирган авиалайнер Тошкентга қўнгани эълон қилинади. Карнай-сурнай садолари янграйди. Ҳаво кемасидан тушиб келган ғолибларимизни йиғилганлар олқишлайди.

Шу ерда МДҲ ўйинлари ғолибу совриндорлари, қатнашчилари, мураббий ва устозлар, атлетларнинг ота-оналари иштирокида тантанали тадбир ташкил этилди.



«Халқ сўзи» ва ЎзА суратлари.

Унда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари Б. Мусаев ва А. Абдуҳакимов ҳамда бошқалар спортчиларимизни юксак зафар билан табриклаб, мазкур муваффақиятлар Президентимиз томонидан спортни ривожлантиришга қаратилган эътибор, спортчиларга яратиб берилган беқиёс шарт-шароитлар самараси эканини алоҳида таъкидлашди.

➡ 6

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 15 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2021 йил 31 июлда маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш (бундан буён матнда сейсмик хавфсизликни таъминлаш деб юритилади) соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Сейсмик хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги қонунчилик**

Сейсмик хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**визуал текширув** – таянч конструкциялардаги, қопламалар ва деворлардаги ёриқлар ҳамда шикастланишларни аниқлаш учун бинолар ва иншоотларнинг техник ҳолатини кўздан кечириш;

**зилзила** – ер қобиғининг ёки ер устки қатламининг тўсатдан рўй берган силжиши, емирилиши ёки ўпирилиши оқибатида вужудга келган, узоқ масофаларга тарқаладиган тўлқинсимон тебранишлар тарзидаги ер ости силкинишлари ва тебранишлари;

**зилзилабардошлик** – аҳоли ҳаёти ҳамда мол-мулкининг хавфсизлигини таъминлайдиган бинолар ва иншоотларнинг зилзила таъсирига бўлган мустаҳкамлик кўрсаткичлари;

**зилзила оқибатларини бартараф этиш** – содир бўлган зилзиладан кейин амалга ошириладиган ва инсон ҳаётини сақлаб қолишга, зарарни ҳамда моддий йўқотишларни камайтиришга қаратилган тезкор авария-қутқарув ишлари мажмуи;

**зилзила эпицентри** – зилзила ўчоғига тўғри келадиган ер юзасидаги нуқта;

**инструментал-техник текширув** – махсус кузатув, ўлчов ва назорат воситаларидан фойдаланган ҳолда бинолар ҳамда иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш;

**кучли зилзила** – магнитудаси (зилзила қуввати) Рихтер ўлчови бўйича 5,0 ва ундан юқори бўлган зилзила;

**сейсмик жиҳатдан заифлик** – бинолар ва иншоотларнинг конструкцияларида зилзила натижасида юзага келиши мумкин бўлган шикастланишлар ҳамда емирилишларнинг кўрсаткичлари;

**сейсмик жиҳатдан ҳудудлаштириш** – ҳудудларни илмий таҳлил асосида сейсмик хавф даражаси бўйича таснифлаш;

**сейсмик фаол зона** – сейсмик жиҳатдан ҳудудлаштириш харитасида белгиланган, кучли зилзилалар юз бериши эҳтимоли доимо юқори бўлган ҳудуд;

**сейсмик хавф** – муайян ҳудудда муайян вақт оралиғида аҳолининг ҳаётига таҳдид солувчи ҳамда бинолар ва иншоотларга зарар етказувчи зилзилалар юз бериши эҳтимоли;

**сейсмик хавфсизлик** – сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат органлари ва ташкилотлари томонидан аҳоли ҳаётини ва инфратузилма объектларини зилзилалар натижасида келиб чиқадиган хавфлардан ҳимояланганлик ҳолати;

**сейсмик хатар** – муайян ҳудудда зилзилалардан кўриладиган эҳтимол тутилган ижтимоий ва иқтисодий зарар;

**сейсмологик ва сейсмометрик кузатувлар** – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сейсмик режим ўзгаришининг мониторингини амалга оширувчи сейсмик кузатув станцияларининг тармоғи;

**электрон техник паспорт** – бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлик ҳолати тўғрисидаги зарур маълумотлар жамланган электрон ҳужжат.

**(Давоми 2-бетда).**

O'ZBEKISTON PREZIDENTI SAYLOVI 24 OKTABR 2021-YIL

## ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДЛАР. УЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ҚАНДАЙ?

*Муайян бир давлатда демократиянинг даражасини аниқ-тиниқ кўрсатадиган омиллардан бири, бу — сайловлар тизими. Шу маънода, бу йилги Президент сайлови янги қабул қилинган Сайлов кодекси нормалари асосида амалга оширилиши эътиборлидир. Шу ўринда мамлакатимизда Президент сайловини ўтказиш бўйича муайян тажриба тўпланганини қайд этиш зарур.*

Таъкидлаш керакки, Президент сайлови ўз аҳамиятига кўра айни пайтда мамлакатимиздаги кўппартиявийлик ва унинг давр билан ҳамоҳанг тарзда ривожланиб, мустаҳкамланиб бориши, партияларнинг нечоғли сиёсий, ташкилий ва ғоявий етуклигини намойиш этиши билан ҳам улар учун бир синов мактаби ролини ўтайди, дейиш мумкин. Айни пайтда Президент сайловининг чинакам демократиявийлиги номзодларга қўйиладиган талаблар, уларнинг ҳуқуқий мақоми тенглигини таъминлашнинг кафолатларида ўз ифодасини топади.

➡ 5

## ЮКСАК ЭЪТИБОР МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ БЎЛМОҚДА

*Баъзан ҳаёт зарбалари, ташвишлари олдида ўзимизни ожиз сезамиз, тушкунлик ҳисси бизни бағрига олади. Ҳаётдан нолиймиз. Бироқ матонати, сабр-бардоши билан инсон ҳар қандай оғир дамда ҳам ўзлигини йўқотмагани билан азиз. Ана шундай инсонийликнинг юксак намунасини кўрсатаётганлар фақат афсоналарда эмас, сизу бизнинг ёнгинамизда, замондошлар орасида ҳам мавжуд.*

### Муносабат



Шу маънода ҳам жорий йилнинг 24 август — 5 сентябрь кунлари Япония пойтахти Токио шаҳрида XVI ёзги Паралимпия ўйинларида ўзбекистонлик спортчилар юксак матонат, жасорат ва маҳорат кўрсатиб, 19 та медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида 160 дан зиёд давлатлар ўртасида ўн олтинчи ўринни эгаллагани халқимизга чексиз фахр ҳамда ифтихор туйғуларини бағишлади. Бу муваффақиятларнинг замирида ёшлар тарбиясига давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган эътибор мужассамдир.

Спортчиларимизнинг катта тантана билан кутиб олиниши, "Янги Ўзбекистон" мажмуасида ташкил этилган паралимпиячиларимизни шарафлаш маросими, Президентимизнинг XVI ёзги Паралимпия ўйинларида қатнашган спортчи ва мураббийлар, паралимпиячиларнинг ота-оналари билан учрашуви — буларнинг барчаси спортчилар учун кутилмаган совға бўлди. Минглаб ватандошларимиз чемпионларни шарафлаш учун пойтахт кўчаларига чиқишди.

➡ 6




*Тўрт томонимизни таҳдид ва хавф-хатарлар чулғаб олган ҳозирги таҳликали замонда Ер шари худди ғовак дарахтнинг мўрт шохига осилиб турган мевага ўхшайди. Бу мева сал кучлироқ шамол туфайли ҳам ўз бандидан чирс этиб узилиб тушиши ҳеч гап эмас.*

### Таҳлил ва таққос

Бугун бизни нафақат сарҳадларимиз яқинида юз бераётган жангу жадаллар, балки сайёрамиздан 5,5 миллион километр наридан учиб ўтаётган метеорит ҳам таҳликага солмоқда. Яқингинада афғон заминида авж олган ҳарбий ҳаракатлар, Тожикистон ва Қирғизистон чегарасида содир бўлган қуролли тўқнашувлар пайтида кўпчилигимиз юрак ҳовучлаб ўтирдик. Шундоққина ён қўшнимиз ёки яқин қариндошимиз коронавирусга чалиниб жон таслим қилганида, бир зум бўлса-да, ўзимиз, жону жигарларимиз саломатлигидан ташвиш чекиб қолганимиз ҳам рост. Ёки кучли шамол туриши ҳақида эшитиб, машинаси устига дарахт қулаши ёхуд уйининг томини учириб кетишидан ҳайиқиб, дамбадам кўчага қулоқ тутадиганлар аҳволи ҳам бизга маълум. Нега? Чунки хавотир ҳисси фитратимизда бор. У бизни мудом огоҳликка чорлаб туради.

Бу мисолларни келтиришдан муддао нима? Гап — шу кунларда қадри янаям ошиб бораётган бебаҳо неъмат — ТИНЧЛИК ҳақида!

### Сенга нима керак, эй жафокаш халқ?

Ўша кунларда ижтимоий тармоқлар "портлади". Ҳар бир шумхабар, ҳар бир фожиали лавҳа юракларни ларзага солди.

...Кобул аэропорти арининг инидек ғувиллайди. Бир ёқда учоғини қўриқлаётган қуролли ҳарбийлар автомати билан ўдағайлаган. Бошқа томонда худкушларнинг инсон ақлига сиғмас хунрезликлари... Яна бир тарафда "қадам боссанг, отаман", деган таҳдидлар...

Лекин шундаям оломон бу манзилга ошиқаверди. Жамодону тўрвахалталарини елкаларига илиб олган қариялар, аёллару болалар миналаштирилган майдондек хавфли бу зонага "оқиб" келаверади.

➡ 4

## Ўзбекистон Республикасининг
## ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

### 4-модда. Сейсмик хавфсизлиги таъминланадиган объектлар

Сейсмик хавфсизлиги таъминланадиган объектлар жумласига қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бирликларининг ҳудуди;

мудофаа, саноат, аграр, энергетика, илмий-техника мажмуалари, сув омборлари ва гидротехника иншоотлари, соғлиқни сақлаш муассасалари, таълим ташкилотлари, жамоат ва турар жой бинолари;

моддий ва маданий мерос объектлари;

кўприклар, йўл ўтказгичлар, тоннеллар ва йўллар;

муҳандислик ва транспорт коммуникациялари, газ, сув, иссиқлик ва электр таъминоти тармоқлари.

### 5-модда. Сейсмик хавфсизлиги таъминланадиган объектларнинг таснифи

Сейсмик хавфсизлиги таъминланадиган объектлар аҳамиятига кўра қуйидаги тоифаларга бўлинади:

I тоифа – хавфлилик омили паст бўлган объектлар;

II тоифа – хавфлилик омили ўртача бўлган объектлар;

III тоифа – хавфлилик омили юқори бўлган объектлар;

IV тоифа – хавфлилик омили жуда юқори бўлган объектлар.

Сейсмик хавфсизлиги таъминланадиган объектларнинг тоифаларига кўра рўйхати ушбу Қонуннинг иловасига мувофиқ белгиланади.

## 2-боб. Сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

### 6-модда. Сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

сейсмик хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

сейсмик хавфсизлик даражасини ошириш бўйича чоралар кўриш;

фойдаланишда бўлган, шунингдек фойдаланишга топшириладиган бинолар ва иншоотлар зилзилабардошлигининг мониторинги ҳамда назоратини амалга ошириш;

республика ҳудудида жойлашган сув омборларида инструментал сейсмологик ва сейсмометрик кузатувлар олиб бориш;

республика ҳудудида жойлашган сув омборларининг ва бошқа гидротехника иншоотларининг зилзилабардошлиги устидан назоратни амалга ошириш;

мазкур соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

сейсмик хавфсизликни таъминлашнинг илмий асослари ва технологияларини такомиллаштириш;

давлат органлари томонидан зилзилалар натижасида инсонларнинг соғлиғи ва ҳаётига ва аҳолининг мол-мулкига зарар етказилишини, шунингдек йўқотишлар хатарини (моддий, иқтисодий ва бошқа) камайтиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш ҳамда сейсмик хавфни, сейсмик хатарни ва зилзилалар юз бериши эҳтимолини прогноз қилишнинг, шунингдек иншоотлар зилзилабардошлигининг замонавий усулларини амалиётга жорий этиш;

мазкур соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

### 7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларининг ишлаб чиқилишини ташкил этади, тасдиқлайди ва амалга оширилишини таъминлайди;

сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасида илм-фан ривожланишини, ушбу соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан инновацион технологияларнинг жорий этилишини таъминлайди;

давлат органларининг ва илмий муассасаларнинг сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

сейсмик жиҳатдан ҳудудлаштиришнинг ҳар хил масштабли хариталари ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминлайди;

сейсмик хавф юқори бўлган ҳудудларда бинолар ва иншоотларнинг зилзилабардошлиги бўйича хулосалар бериш тартибини белгилайди;

Ўзбекистон Республикасида сейсмик хавф даражасини камайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар мониторингини доимий равишда олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### 8-модда. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини ўз ваколатлари доирасида амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, трансчегаравий ҳудудларда, шунингдек табиий ва техноген хавф юқори бўлган ҳудудларда сейсмологик ва сейсмометрик кузатувларни ташкил этади;

кучли зилзилалар юз бериши хавфи пайдо бўлганда уларнинг оқибатларини бартараф этишга доир зарур чоралар кўради;

сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ва давлат дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

сейсмик хатарни ва кучли зилзилалар оқибатларини баҳолашга доир илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишда, услубий тавсияларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

сейсмопрогностик мониторинг амалга оширилишини ташкил этади ва назорат қилади;

аҳолини ва давлат органларини кучли зилзилалар тўғрисида тезкор хабардор қилади;

кучли зилзилалар, улар томонидан келтириб чиқарилган фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш учун барча турдаги ресурслар захиралари шаклантирилишини мувофиқлаштиради;

зилзилалар вақтида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими фаолиятини мувофиқлаштиради;

зилзилалар вақтида аҳолини тегишли ҳаракатларни бажаришга ва тадбирларни амалга оширишга тайёрлаш мақсадида сейсмик фаол зоналарда мунтазам равишда семинар ва тренинглар ўтказади;

юз бериши мумкин бўлган кучли зилзилалар оқибатларининг бартараф этилишини ҳамда бундай вазиятларда давлат тизими кучлари ва воситаларининг шайлигини таъминлайди;

авария-қутқарув кучларининг, махсус техниканинг ва махсус тузилмаларнинг зилзилалар эпицентрида тезкор-қутқарув ишларини амалга оширишга доир доимий шайлигини таъминлайди;

сейсмик хавфсизликни таъминлашга доир тадбирларни амалга ошириш чоғида қутқарув ишларини ташкил этади ва олиб боради;

аҳолини зилзилалар вақтида ўзини тутиш қоидалари билан таништиради, уларга тайёргарлик кўришга доир тегишли услубий қўлланмалар ва тавсиялар ишлаб чиқилиши ва тарқатилишини таъминлайди;

сейсмик фаол зоналарда жойлашган сув омборларида сейсмологик ва сейсмометрик кузатувларни ўз ваколатлари доирасида олиб боради;

тегишли давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда юз бериши мумкин бўлган кучли зилзилалар оқибатларини бартараф этиш бўйича амалий машғулотлар ташкил этади;

кучли зилзила содир бўлган тақдирда, давлат органлари ва ташкилотлари вакилларидан иборат бўлган эпицентрал гуруҳнинг кучли зилзила эпицентрида шикастланган бинолар ҳамда иншоотларнинг яроқлилигини баҳолашга доир фаолиятини ташкил этади ҳамда унинг доимий шайлигини таъминлайди;

бинолар ва иншоотлар ҳолатининг мониторингини электрон техник паспортлар асосида амалга оширади ҳамда сейсмик жиҳатдан заифлиги юқори бўлган бинолар ва иншоотлар тўғрисидаги ахборотни тегишли давлат органлари ва ташкилотларига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қонунчиликка мувофиқ сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### 9-модда. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги:

сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини ўз ваколатлари доирасида амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қурилаётган бинолар ва иншоотларнинг сейсмик хавфсизлиги таъминланишини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолайди ҳамда назорат қилади;

электрон техник паспортлар асосида бинолар ва иншоотларни сейсмик жиҳатдан заифлиги бўйича таснифлашда, шунингдек бинолар ва иншоотларнинг инструментал-техник текширувида ҳамда уларнинг зилзилабардошлигини оширишда иштирок этади;

сейсмик фаол зоналарда қурилиши режалаштирилаётган барча турдаги бинолар ва иншоотларнинг, шунингдек кўп қаватли турар жойларнинг сейсмик жиҳатдан заифлигини баҳолаш учун зарур бўлган ахборотни ўз ичига оладиган электрон техник паспортларни шакллантиради;

сейсмик хавфсизлик таъминланишини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда такомиллаштиради;

Ўзбекистон Республикасидаги қурилаётган бинолар ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш, шунингдек мавжуд бинолар ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш учун зарур чоралар кўради.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги қонунчиликка мувофиқ сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### 10-модда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси:

сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини ўз ваколатлари доирасида амалга оширади;

сейсмик хавфни турли масштабларда баҳолаш, сейсмик жиҳатдан ҳудудлаштириш, зилзилаларни вақт кесимида прогноз қилиш, бинолар ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш бўйича услубиятларни ишлаб чиқади;

муҳандислик-геологик асосларни ва технологияларни, шунингдек турли сейсмик хавф ва хатарларни баҳолаш услубиётларини яратиш бўйича илмий тадқиқотларни амалга оширади;

сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасида илмий-тадқиқот дастурларини ишлаб чиқади ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

зилзилалар юз бериши эҳтимолини аниқлашнинг, сейсмик хавфни ва сейсмик хатарни баҳолашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқади;

ҳудудларнинг сейсмик хавфи ва сейсмик хатарига доир ҳар хил масштабли хариталарини тузади;

кучли зилзила содир бўлган тақдирда, ер сатҳи шаклининг ўзгариши даражасини, бинолар ва иншоотларнинг емирилиши даражасини баҳолаш учун зилзила эпицентри ҳудудида макросейсмик ҳамда бошқа тадқиқотлар ўтказади;

сув омборлари тўғонларининг зилзилабардошлигини доимий назорат қилиш усулларини ишлаб чиқади ҳамда инструментал сейсмологик ва сейсмометрик кузатув маълумотлари асосида сув омборлари тўғонларининг динамик хоссаларини ўрганиб, уларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини баҳолайди;

олий таълим ташкилотлари учун сейсмик хавфсизликни таъминлаш бўйича ўқув ва ўқув-услубий адабиётлар тайёрлашда иштирок этади;

ахборот-кутубхона муассасаларини ва олий таълим ташкилотларини сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги илмий ҳамда илмий-техник манбалар билан таъминлайди;

сейсмик фаол зоналарда қурилиш нормалари ва қоидаларини такомиллаштиришда иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қонунчиликка мувофиқ сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### 11-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

сейсмик хатарни камайтириш ва аҳолини юз бериши мумкин бўлган кучли зилзилаларга тайёрлаш ишларини ташкил этади;

сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишга кўмаклашади;

юз бериши мумкин бўлган кучли зилзилаларга тайёргарлик кўриш бўйича устувор йўналишларни аниқлаш ҳамда тадқиқот ва лойиҳалаш ишларини олиб бориш борасида бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

аҳолини кучли зилзилалар вақтида тегишли ҳаракатларни бажаришга ва тадбирларни амалга оширишга тайёрлаш бўйича сейсмик фаол зоналарда семинар ва тренинглар ташкил этилишига бевосита кўмаклашади;

қурилиш ташкилотлари томонидан сейсмик фаол зоналар учун нормативларга мувофиқ ишлаб чиқилган лойиҳаларга қатъий риоя этилишини назорат қилади;

мавжуд бўлган ҳамда қурилаётган бинолар ва иншоотларнинг электрон техник паспортларини шакллантиришда, уларни янгилашда, шунингдек мониторингини ўтказишда иштирок этади;

сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги янги ишланмаларни амалга оширишда бевосита ташкилий-амалий ёрдам кўрсатади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонунчиликка мувофиқ сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

## 3-боб. Сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги фаолиятни ташкил этиш

### 12-модда. Сейсмик хавфни баҳолаш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сейсмик хавфни баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан тегишли давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда амалга оширилади.

Сейсмик хавфни баҳолаш ер юзасидаги тебранишлар жадаллигини ҳисоблашни ҳамда уларнинг юз бериши эҳтимолини баҳолашни ўз ичига олади.

Сейсмик хавфни баҳолаш натижалари асосида ҳудудларнинг сейсмик жиҳатдан ҳудудлаштириш хариталари тузилади.

Сейсмик жиҳатдан ҳудудлаштириш хариталари қурилиш лойиҳаларининг зилзилабардошлиги нормативларини, ердан фойдаланиш, ерга эгалик қилиш ва аҳолини жойлаштириш тарҳларини ишлаб чиқиш учун асосдир.

Шаҳарсозлик фаолиятида муайян ҳудуд грунтининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда сейсмик жиҳатдан микроҳудудлаштириш хариталари тузилади, бинолар ва иншоотлар эса ушбу хариталарга мувофиқ лойиҳалаштирилади ҳамда қурилади.

### 13-модда. Зилзилалар юз бериши эҳтимолини аниқлаш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кучли зилзилалар юз бериши эҳтимолини прогноз қилиш Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Фанлар академияси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг сейсмопрогностик кузатувлар тармоғи республика ҳудудида комплекс прогностик кузатувларни, маълумотларни тўплаш ва узатишни, уларнинг дастлабки таҳлилини амалга оширади.

Сейсмик кузатувлар тармоғи миллий ва халқаро сейсмик кузатувлар глобал тизимига киритилган станциялардан иборатдир.

Сейсмик ва прогностик станцияларда доимо кузатувлар олиб борилади, олинган натижалар эса Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Сейсмопрогностик мониторинг республика марказининг маълумотлар базасида жамланади.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Сейсмопрогностик мониторинг республика маркази сейсмик, геофизик ва гидрогеосейсмологик кузатувлар олиб боради, шунингдек зилзилалар даракчиларига доир прогноз маълумотларининг таҳлилини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳамда Фанлар академиясининг идоралараро эксперт комиссияси кузатилаётган ва юз бериши мумкин бўлган сейсмик вазият тўғрисидаги хулосаларни мунтазам равишда (ҳар ҳафтада ва ҳар ойда) тегишли давлат органларига юборади.

### 14-модда. Бинолар ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини текшириш ҳамда мониторинг қилиш

Сейсмик фаол зоналарда жойлашган, қурилиш нормалари ва қоидалари талабларига мувофиқ лойиҳалаштирилган ҳамда қурилган II–IV тоифадаги объектлар ҳар беш йилда зилзилабардошликка доир визуал текширувдан ўтказилади.

Визуал текширувлар инструментал-техник текширув ўтказилишини талаб этадиган ҳолларда бинолар ва иншоотларнинг зилзилабардошликка доир инструментал-техник текшируви ўтказилади ҳамда уларнинг электрон техник паспорти янгиланади.

Сейсмик фаол зоналарда жойлашган III–IV тоифадаги объектлар ҳар ўн йилда зилзилабардошликка доир инструментал-техник текширувдан ўтказилиши лозим.

Сейсмик фаол зоналарда янги қурилган III–IV тоифадаги объектлар ишга туширилаётганда улар зилзилабардошликка доир инструментал-техник текширувдан мажбурий тартибда ўтказилади.

IV тоифадаги объектларга тааллуқли бўлган сув омборлари тўғонларида ва гидроэлектростанцияларда инструментал-техник текширувлар бир йилда икки марта ўтказилади.

Сув омборлари тўғонларининг инструментал-техник текширувлари сейсмик фаол ҳудудларда содир бўлган ҳар бир кучли зилзиладан кейин мажбурий тартибда ўтказилади.

Бинолар ва иншоотларнинг зилзилабардошликка доир визуал ҳамда инструментал-техник текширувлари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги қурилиш соҳасидаги тегишли ҳудудий назорат инспекциялари, қурилиш соҳасидаги лойиҳалаш ташкилотлари ва махсус лицензияланган ташкилотлар, шунингдек илмий-тадқиқот муассасалари томонидан амалга оширилади.

Кучли зилзилалар содир бўлган ҳудудлардаги барча турдаги бинолар ва иншоотлардан мутахассислар томонидан зилзилабардошликка доир визуал ёки инструментал-техник текширувдан ўтказилгандан кейин фойдаланишга йўл қўйилади.

Бинолар ва иншоотлар сейсмик жиҳатдан заифлигининг доимий мониторинги электрон техник паспортлар асосида амалга оширилади ҳамда ушбу мониторинг натижасида олинган ахборот тасарруфида бинолар ва иншоотлар бўлган давлат органларига ҳамда бошқа ташкилотларга топширилади.

Ўз тасарруфида бинолар ва иншоотлар бўлган давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар ушбу модданинг тўққизинчи қисмида назарда тутилган ахборот олинганидан кейин олти ой давомида сейсмик жиҳатдан заиф деб топилган бинолар ва иншоотларнинг инструментал-техник текшируви ўтказилишини таъминлаши ҳамда текширув натижаларига доир хулосалар асосида уларни мустаҳкамлаш бўйича чоралар кўриши шарт.

### 15-модда. Сейсмик хатарни баҳолаш

Сейсмик хатарни баҳолаш кучли зилзила натижасида юзага келиши мумкин бўлган инсонлар жабрланишининг, моддий ва бошқа йўқотишларнинг илмий прогнозини ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сейсмик хатарни баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан тегишли давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда амалга оширилади.

Сейсмик хатарни баҳолаш натижаларига кўра турли масштабдаги сейсмик хатар хариталарини ишлаб чиқиш амалга оширилади, улар асосида зилзилаларнинг (сейсмик хатарларнинг) эҳтимол тутилган оқибатларини камайтириш дастурлари ишлаб чиқилади.

### 16-модда. Сейсмик хатарни камайтириш

Сейсмик хатарни камайтиришга қуйидаги чораларни амалга ошириш ҳисобидан эришилади:

илмий-техник ечимлар асосида бинолар ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш;

аҳолининг хабардорлиги ва тайёргарлиги даражасини ошириш;

тегишли давлат органлари ва ташкилотларини сейсмик хатарларни бошқаришга тайёрлаш;

аҳолини барвақт огоҳлантириш тизимини яратиш, унинг тиббий тайёргарлик даражасини ошириш;

фавқулодда вазиятларга нисбатан тезкор ҳаракат қилиш кучларини тайёрлаш ва такомиллаштириш;

кучли зилзиладан зарар кўрган зонани тиклаш ва аҳолини реабилитация қилиш.

Сейсмик хатарни камайтириш чоралари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган дастурларга мувофиқ амалга оширилади.

### 17-модда. Зилзила оқибатларини бартараф этиш

Зилзила оқибатларини бартараф этиш ушбу моддада баён этилган ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятга эга фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Зилзила оқибатларини бартараф этиш мақсадида давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раҳбарлигида ҳамда ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот муассасалари, сейсмология соҳасидаги мутахассислар иштирокида зарар тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида тезкор чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқади.

Зилзила содир бўлган тақдирда зилзила эпицентрида шикастланган бинолар ва иншоотларнинг фойдаланишга яроқлилигини баҳолаш доимий эпицентрал гуруҳ ҳамда тегишли мутахассислардан тузиладиган гуруҳ томонидан амалга оширилади.

Кучли зилзилалар оқибатларини бартараф этиш доирасида ҳудудларда:

аҳолини кучли зилзила зонасидан хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилиш таъминланади;

қутқарув ва кечиктириб бўлмайдиган авария-тиклаш ишлари амалга оширилади;

биноларнинг ҳамда муҳандислик-транспорт инфратузилмасининг шикастланиш даражаси тезкор ва батафсил ўрганилади;

кучли зилзила туфайли етказилган зарар аниқланади;

кучли зилзила оқибатида бузилиши, тикланиши ёки қайта қурилиши лозим бўлган бинолар ва иншоотлар аниқланади;

зилзила натижасида вайрон бўлган бинолар ва иншоотларни қайта қуриш ҳамда тиклаш амалга оширилади.

Аҳолини кучли зилзилалар келтириб чиқарган фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### 18-модда. Кучли зилзилалар натижасида етказилган зарарни баҳолаш

Кучли зилзилалар натижасида етказилган зарарни баҳолаш бўйича комиссиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этиладиган тезкор штабнинг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қўшма қарори билан тузилади.

Мазкур комиссиялар таркибига сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ваколатли вазирликлар ва идораларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, суғурта ҳамда молия ташкилотларининг масъул ходимлари, зилзилабардош қурилиш соҳасидаги лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот институтларининг мутахассислари ҳамда бошқа экспертлар киради.

Кучли зилзилалар натижасида етказилган зарарни баҳолашга доир ишлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

### 19-модда. Кучли зилзила натижасида зарар кўрган объектларни тиклашга доир тадбирларни молиялаштириш

Кучли зилзила натижасида зарар кўрган объектларни тиклашга доир тадбирларни молиялаштириш қуйидаги манбалар ҳисобидан амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети;

халқаро молия институтлари ва ташкилотларининг маблағлари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

Суғурталанган мол-мулкка етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш қонунчиликка ва суғурта шартномасига биноан суғурта компаниялари томонидан амалга оширилади.

## 4-боб. Жисмоний ва юридик шахсларнинг сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари

### 20-модда. Жисмоний ва юридик шахсларнинг сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқлари

Жисмоний ва юридик шахслар:

тегишли ҳудуддаги сейсмик хавф даражаси тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;

зилзилалар чоғида ўзини тутиш қоидалари ҳамда уларга тайёргарлик кўриш тартиби тўғрисида ахборот олиш;

зарур бўлганда ташкилот ходимларини ҳимоя қилиш ва уларни зилзила вақтида ўзини тўғри тутишга ўргатиш учун мутахассисларни жалб этиш ҳуқуқларига эга.

Жисмоний ва юридик шахслар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### 21-модда. Жисмоний ва юридик шахсларнинг сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги мажбуриятлари

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган жисмоний шахслар:

сейсмик хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги қонунчилик талабларига ва сейсмик хавфсизлик таъминланишини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиши;

ўз ҳаётини қутқариш, соғлиғини ва мол-мулкини сақлаш учун зилзилаларга қарши эҳтиёт чораларини кўриши;

зилзилаларга тайёргарлик кўриш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш жараёнида ўз хизмат мажбуриятларини амалга ошираётган тегишли давлат органлари ҳамда ташкилотлар ходимларининг қонуний талабларини бажариши шарт.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолиятини амалга ошираётган юридик шахслар:

ўз ходимларини зилзила вақтидаги фавқулодда вазиятларда тўғри ҳимояланишга ва ҳаракат қилишга ўргатиши;

жойларда огоҳлантириш тизимларини ташкил этиши ва доимий тайёр ҳолатда тутиши ҳамда эҳтимоли бўлган сейсмик хавфлар ҳақида ходимларга дарҳол хабар бериши;

ўз тасарруфида бўлган объектларнинг барқарор ишлашини таъминлаш шартларига риоя этиши ҳамда зилзила вақтида сейсмик хавфнинг даражасига мувофиқ ходимларнинг ҳаёт фаолиятини таъминлаши;

зилзилалар оқибатларини бартараф этиш режаларига мувофиқ давлат органлари ва бошқа ташкилотлар объектларида авария-қутқарув ишларини ўтказишда кўмаклашиши;

эвакуация тадбирларини белгиланган тартибда ўтказиши ҳамда ташкилотлар ҳудудида аҳоли ва ходимларни жойлаштириш учун базаларни олдиндан тайёрлашни амалга ошириши;

сейсмик хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги қонунчилик талабларига ва сейсмик хавфсизлик таъминланишини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиши шарт.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

## 5-боб. Якунловчи қоидалар

### 22-модда. Сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

Сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ қуйидаги принциплар асосида амалга оширилади:

кучли зилзилалар юз бериши мумкинлиги ва уларнинг оқибатлари тўғрисида чегарадош давлатларни хабардор қилиш;

зилзилалар оқибатларини бартараф этиш доирасида давлатлараро ҳамкорлик;

низоларни халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига мувофиқ ҳал этиш.

### 23-модда. Сейсмик хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Сейсмик хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

### 24-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Фанлар академияси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

### 25-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

### 26-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 13 сентябрь
№ ЎРҚ—713

# ҲАҚИҚИЙ ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ТИЗИМЛИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ЗАРУР

*Яқинда Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев бошчилигидаги делегация ташрифи доирасида Буюк Британия парламенти Лордлар палатасида Ўзбекистон ва Британия муносабатларини ривожлантиришга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.*

## Мулоқот

Ўзбекистон билан ҳамкорлик бўйича умумпартиявий парламент гуруҳи (APPG) ҳамда “Conservative Friends of Eurasia” томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда парламент иккала палатаси, ҳукумат ҳамда Буюк Британиянинг академик ва жамоатчилик доираларининг 50 га яқин вакиллари қатнашди.

Тадбир давомида иштирокчиларга Ўзбекистонда ислоҳотлар бориши, республиканинг келгуси йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси ва ташқи сиёсатнинг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Томонлар конструктив алоқаларни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканликларини қайд этди.

Ўз навбатида, Буюк Британия парламенти аъзолари Ўзбекистондаги кенг кўламли ислоҳотларга юқори баҳо берар экан, республикада демократик жараёнларнинг боришини қўллаб-қувватлашини билдирди. Тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, Марказий Осиёнинг изчил тараққиёти ва фаровонлигини таъминлашда Ўзбекистон муҳим ўрин тутиши, турли соҳа, жумладан, парламентлараро йўналиш орқали икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш борасида ҳали ишга солинмаган салоҳият мавжудлиги ҳам айтиб ўтилди.

“Conservative Friends of Eurasia” президенти, лорд Питер Лилли Ўзбекистонда ижобий ўзгаришлар, сиёсий ва иқтисодий эркинлаштириш жараёни дадил олиб борилаётганлигини мамнуният билан тилга олди. Айни чоғда ўзбек халқини мустақилликнинг 30 йиллиги билан табриклаб, Ўзбекистон давлатчилиги чуқур илдизларга эга эканлигини билдирди. Шу ўринда у 1992 йилда икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар расман ўрнатилгани, аслида эса икки халқ ўртасидаги маданий алоқалар 600 йиллик тарихга эгалиги ҳамда Амир Темур ва Англия қироли Генрих IV ўртасидаги ёзишмалар борлигини баён қилди.

APPG раиси Эндрю Бридген Буюк Британиянинг ишончли дўсти ва истиқболли савдо ҳамкори ҳисобланган Ўзбекистон билан ҳар томонлама алоқаларни янада мустаҳкамлаш муҳимлигини айтиб ўтди.

Лордлар палатасининг аъзоси, баронесса Алисон Сатти икки мамлакат қонунчилик органлари ҳамкорлиги, хусусан, Ўзбекистонда парламентаризм тизимини такомиллаштириш соҳасидаги алоқаларга юқори баҳо берди. Шу билан бирга, у ўзаро англашув ва ҳурмат асосида фаол парламентлараро ҳамкорликни давом эттириш, ҳақиқий шериклик муносабатларини тизимли йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Лорд Муҳаммад Шайх таъкидлаганидек, турли соҳаларда, масалан, инвестицияларни жалб қилиш, “яшил энергетика”, таълим, соғлиқни сақлаш, молия ва туризм соҳасида Ўзбекистон — Британия ҳамкорлигини изчил ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд. У Ўзбекистоннинг буюк маданий меросига эътибор қаратиб, уни халқаро майдонда кенг тарғиб қилиш муҳимлигини таъкидлади.

ЕХҲТ ПА фахрий президенти, лорд Питер Боунесс Ўзбекистоннинг мазкур ташкилот ишидаги фаол иштирокини олқишлади. Ўзбекистоннинг сайлов соҳасидаги ижобий ютуқларини қайд этиб, ЕХҲТ ПА вакиллари миссияси бўлажак Президент сайловини кузатиш учун мамлакатга ташрифи ҳақида маълум қилди.

Консерватив партияси депутати Боб Блекман Ўзбекистон Буюк Британия билан ҳамкорлик ва шериклик битимини имзолаган минтақадаги биринчи давлат экани ва бу ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганлигига эътибор қаратди. Шу билан бирга, у таълим соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва инсон салоҳиятини мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлади.

Собиқ спорт вазири, лорд Колин Мойнихан Ўзбекистоннинг спортни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини алоҳида эътироф этди. Хусусан, Токиода бўлиб ўтган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида ўзбек спортчиларининг ажойиб натижалари бунинг яққол далилидир. Спорт бўйича парламентлараро қўмита раиси ўринбосари сифатида у Ўзбекистоннинг тегишли идоралари билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйишдан манфаатдор эканлигини ҳам маълум қилди.

Собиқ халқаро савдо вазири, лорд Френсис Моуд Ўзбекистондаги ислоҳотлар савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун янги имкониятлар яратаётганини қайд этар экан, Британия бизнеси Ўзбекистон бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаш имкониятини қўлдан бой бермаслиги зарурлигини таъкидлади.

Умуман, Буюк Британияга ташриф икки томонлама сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, иқтисодий ҳамкорлик, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш, парламентлараро ҳамкорликни кенгайтиришга бўлган ўзаро қизиқишни намойиш этди. Бўлиб ўтган учрашувлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашиш имконини берганлиги билан ҳам аҳамиятли бўлди.

**«Халқ сўзи».**

Сенатор ва ҳаёт

# ЯЛПИ МАЖЛИСДА КЎРИЛГАН МАСАЛАЛАР МОҲИЯТИ ТУШУНТИРИЛМОҚДА

*Айни кунларда Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳудудларда бўлиб, парламент юқори палатаси ўн саккизинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ва бошқа масалаларнинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти юзасидан тушунтириш ишларини олиб бормоқда.*

Шундай тадбирлардан бири Амударё туманида бўлиб ўтди. Унда Сенатнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси Борий Алихонов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, секторлар раҳбарлари, ҳоким ўринбосарлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Сенатор мазкур учрашув Олий Мажлис Сенати ва унинг қўмиталари қарорларида белгиланган топшириқларнинг ижросини ўрганиш ҳамда “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” ғоясини ўзида мужассам этган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиш бўйича халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида уюштирилганлигини таъкидлади. Шу билан бирга, у ўн саккизинчи ялпи мажлисда муҳокама қилинган масалалар моҳияти тўғрисида батафсил сўз юритди.

Таъкидланганидек, “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга. Зеро, мазкур ҳужжат билан электромобиллар сотиб олувчилар ва олиб кирувчилар йиғим тўлашдан озод этилмоқда ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ҳар бир шаҳар ва туманларининг ўзига хос “ўсиш нуқтаси” деб аниқланган фаолият йўналишлари бўйича янгидан ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларига 2024 йил 1 январга қадар фойда ва сув солиқлари бўйича 50 фоизлик имтиёз берилмоқда.

Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари Шуҳрат Чўллиев Бухоро вилоятининг Олот, Қоракўл, Когон туманлари ҳамда Бухоро шаҳри маҳаллий Кенгашлари депутатлари билан учрашди.

Учрашувда сенаторлар томонидан маъқулланган қонунлар, хусусан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши регламенти ва доимий комиссиялар низомига киритилган ўзгартишлар тўғрисида атрофлича маълумот берилди. Қолаверса, ҳудудда амалга оширилаётган ишларда депутатлик назоратини олиб бориш ҳамда халқ вакиллари олдида турган долзарб вазифалар чуқур таҳлил қилинди.

Ўз навбатида, сенатор ҳудудлардан келган фуқаролар мурожаатларини ўрганди. Хусусан, Олот тумани “Бунёдкор” ва “Халқобод” МФЙ аҳолисини қийнаб келаётган муаммолар мутасаддилар иштирокида ўрганилди ва уларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

**«Халқ сўзи».**

# СОЛИҚ ҲИСОБОТИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТАҚДИМ ЭТМАГАНЛИК УЧУН САНКЦИЯЛАР БЕКОР ҚИЛИНАДИ

*Солиқлар аслида давлатнинг мустаҳкам бюджетини шакллантиришга қаратилган тушумлар манбаи ҳисобланиб, ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришга қайта йўналтирилади.*

## Фикр

Президентимизнинг шу йил 7 сентябрдаги “Солиқ мажбуриятларини бажаришда тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликни либераллаштириш орқали ишбилармонлик муҳитини яхшилашга хизмат қилади.

Таҳлилларга кўра, ҳозирги вақтда 228 минг кичик тадбиркорда бухгалтер йўқ. Оқибатда солиқ ҳисоботларини камчиликлар билан топширган 32 мингга яқин тадбиркорларга молиявий жарима солинган. Ҳисоботларни кечиктириб топшириш билан боғлиқ молиявий санкцияларни қўллаш тартиби тўлиқ бекор қилиняпти. Солиқ идоралари қўллаётган айрим жарималар сони ва миқдорининг ортгани ҳам тадбиркорларни хавотирга солмоқда. Ўтган йили камерал назорат натижасида 336 та корхонага 51 миллиард сўм молиявий жарима қўлланган бўлса, жорий йилнинг 6 ойида 3 мингдан зиёд тадбиркорларга 900 миллиард сўмдан ортиқ жарима белгиланган.

Фармон билан 2022 йил 1 январдан бошлаб камерал солиқ текшируви натижалари бўйича аниқланган ҳуқуқбузарликлар учун молиявий санкциялар қўлланилмайди. Тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқ ҳисоботини белгиланган муддатларда тақдим этмаганлик учун молиявий санкциялар бекор қилинади. Бу янгилик тадбиркорларимиз учун айни муддао бўлди.

Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил январь — июль ойларида эксперимент тариқасида Хоразм вилояти давлат солиқ бошқармасида ҳисобда турган солиқ тўловчиларнинг қўшилган қиймат, акциз, айланмадан ва юридик шахслардан олинадиган ер солиқлари бўйича ҳисоботларининг солиқ органлари томонидан ҳисоблаб чиқарилиши ва шакллантириб берилиши тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватланди.

Ҳужжатга мувофиқ, эксперимент доирасида солиқ органлари юридик шахслардан олинадиган ер солиғини Кадастр агентлиги органлари маълумотлари асосида, қўшилган қиймат, акциз ва айланмадан олинадиган солиқларни электрон ҳисобварақ-фактура ва онлайн назорат-касса техникаси маълумотлари ҳамда солиқ органларида мавжуд бошқа маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқаради ва ҳисоботини шакллантиради. Хуллас, юртимизда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун яна бир ишончли амалий қадам қўйилди.

**Ботирбек ТЎРАЗОДА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

Қонун лойиҳаси — муҳокамада



# ЎРТАГА ТАШЛАНГАН САВОЛЛАР НЕГА ОЧИҚ ҚОЛДИ?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.*

Унда дастлаб Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг X съездида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди кўрсатилган Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифалар ҳамда бу борада ЎзЛиДеП олдида турган долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, номзоднинг сайловолди дастури кўп қиррали бўлиб, унда қатор ҳаётий мақсад-вазифалар ўрин олган. Хусусан, иқтисодиётда юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш учун макроиқтисодий барқарорлик таъминланиши, бунда 2023 йил охиригача инфляция даражаси 5 фоизга туширилиши, Давлат бюджети тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,5 фоиздан ошмаслигини таъминлаш каби энг устувор вазифалар белгиланган.

Бунинг учун бюджет маблағларини самарали тақсимлаш ва назорат қилишнинг янги тизими йўлга қўйилиб, бундан буён бюджет харажатлари, биринчи навбатда, фуқароларимизнинг турмуш шароитини яхшилаш ва ҳудудларни ривожлантиришга йўналтирилиши қайд этилган.

Фракция аъзолари дастурда белгиланган вазифалар ҳақида тўхталар экан, партиядан номзоди кўрсатилган Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастуридаги барча мақсад ва вазифалар Ўзбекистоннинг ривожланиши, халқимиз турмуш фаровонлиги ошиши йўлида хизмат қилишини айтиб, мазкур дастур билан янада чуқурроқ танишиб чиқиш лозимлигини билдирди.

Йиғилишда “Реклама тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам ниҳоятда қизғин кечди. Ҳужжатни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳи иштирокида бир қатор йиғилишлар ўтказилиб, уларда лойиҳа моддама-модда кўриб чиқилди. Бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, маҳаллий тадбиркорлар, кичик бизнес вакиллари томонидан ички бозорга таклиф этилаётган янги товарлар тўғрисидаги ахборотларнинг истеъмолчига етиб бориши ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ички бозорда ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилди.

Муҳокамалар давомида депутатлар томонидан ўртага ташланган саволлар очиқ қолгани сабабли фракция аъзолари мазкур масалада бир тўхтамга келиб, лойиҳани кун тартибидан чиқардилар.

# МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР ТАКОМИЛЛАШАДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳи йиғилиши ўтказилди.*

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг масъул ходимлари иштирок этишди.

Йиғилишда қонун лойиҳасини палатанинг ялпи мажлис кун тартибига киритиш ишлари режалаштирилаётгани сабабли келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, ташкилий масалалар муҳокама этилди. Шунингдек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан кутилаётган натижалар хусусида фикрлар алмашилди.

Қонун лойиҳасидаги нормалар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатга киришишда аниқ тартиб-таомилларни белгилашга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини давлат органлари ходимларининг ҳуқуққа хилоф ҳаракатларидан ҳимоя қилишга, маъмурий тартиб-таомилларнинг ягона ва шаффоф механизми яратилишига, ушбу жараёнларда коррупциявий ҳолатлар юзага келишининг олдини олишга қаратилган.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишда ҳуқуқий барқарорликни таъминлашга, фуқаролар ва тадбиркорларнинг давлат органлари томонидан қабул қилинадиган маъмурий ҳужжатларга ҳурмат ва ишончини кучайтиришга ҳамда мамлакатнинг инвестициявий муҳитини яхшилашга хизмат қилади.

**«Халқ сўзи».**

# ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ТАЪМИНЛАНИШИДАГИ ТАРИХИЙ ҚАДАМ

*Ҳар бир давлат ўз тажрибасидан келиб чиқиб, йиллар давомида инсон ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланишига ҳаракат қилади. Мазкур йўналишда ўз стратегиясини ишлаб чиқади, уни амалга оширади. Ўзбекистонда қарийб 26 йилдан буён фаолият юритаётган Омбудсман институти ҳам чорак аср давомида тажриба тўплади, тегишли қонунчилик асослари мустаҳкамланди, ваколатлари кенгайди ва бу жараён ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда.*

## Акс садо

Хусусан, давлат раҳбарининг жорий йил 10 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Фармони ҳам мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш йўлидаги муҳим тарихий қадам бўлди.

Мазкур ҳужжат Омбудсман институтининг мустақил миллий институт сифатидаги ўрнини янада ошириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш борасидаги ваколатларини ва ҳудудлардаги фаолиятини кенгайтириш ҳамда унга ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилишга қаратилгани билан катта аҳамиятга эгадир.

Фармон билан Омбудсманнинг энг устувор вазифалари сифатида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва уни амалга оширишда иштирок этиш белгиланди. Шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат этувчи органларнинг қонунчиликка риоя қилиниши устидан таъсирчан парламент назоратини амалга оширишга урғу берилди. Фармонда Омбудсманнинг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари нормаларининг ижросини ўрганиш ҳамда уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлашига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, Омбудсманга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи берилмоқда, бу бежиз эмас, чунки инсон ҳуқуқлари ҳимоясига оид энг самарали таклифлар айнан Омбудсманнинг кундалик амалиётида, одамлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари, суд ҳокимияти ва экспертлик ҳамжамияти билан бевосита ҳамкорликда шаклланади. Бу борада ечимини кутаётган муаммолар ҳам айнан шу жараёнда юзага чиқади. Шу жиҳатдан янги Фармон Омбудсман институтининг амалий аҳамиятини кучайтиришга ҳам хизмат қилади.

Шунингдек, ҳужжатда ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда қийноққа солиш ҳамда бошқа ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомаланинг олдини олиш бўйича таъсирчан чораларни кўриш вазифаси ҳам белгиланган. Инсон ҳуқуқлари бузилган ҳолатлар ҳақидаги хабарларни ваколатли давлат органлари, мансабдор шахслар ва нодавлат ташкилотлар вакиллари билан биргаликда текшириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга кўмаклашиш ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳам Омбудсманнинг муҳим функциялари қаторида қайд этилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, аҳоли мурожаатлари билан ишлашда Омбудсманнинг ҳудудларда доимий асосда ишловчи вакилининг йўқлиги, қатор муаммоларни юзага келтираётган, кўп ҳолларда аҳолининг вақт ва маблағ сарф қилиб, мурожаат этиш учун пойтахтга келишига сабаб бўлаётган эди. Чунки шу пайтгача Омбудсманнинг минтақавий вакиллари жамоатчилик асосида ишлаб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги фаолиятини асосий ишидан ажралмаган ҳолда олиб борар эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони билан 2022 йилнинг 1 январидан Омбудсманнинг минтақавий вакиллари доимий асосда ишлайдиган бўлди. Бу жуда ҳам муҳим, чунки энди халқимизнинг муаммолари ва масалалари бевосита жойида тезкорлик билан ҳал этилишига эришилади.



Омбудсман минтақавий вакиллари ўз фаолияти давомида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини таъминлайди, инсон ҳуқуқлари мониторингини ташкил этади ва ўтказади. Жумладан, фуқароларнинг шикоятларини қабул қилади ва кўриб чиқади, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда кўмаклашади. Шунингдек, ушлаб турилган, қамоққа олинган, маъмурий жазо ўтаётган ва озодликдан маҳрум қилинган шахслар билан учрашув ва суҳбатлар ўтказади.

Эътиборли жиҳати фаолияти давомида ўз ташаббуси билан ёки мурожаат муаллифининг илтимосига кўра, шикоятни экспертлар, мутахассислар ва манфаатдор ташкилотлар вакилларининг иштирокида кўриб чиқишни ташкил қилиш ҳуқуқига ҳам эга. Фармонга, шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлашда ҳудудларда жойлашган давлат органлари ва ташкилотларига монеликсиз кириши ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан зудлик билан қабул қилиниши белгиланмоқда.

Омбудсманнинг минтақавий вакилларига юклатилаётган вазифа ва берилаётган ваколатлар уларга нисбатан билдирилаётган ишончни англатади. Эндиликда ҳам улар ўз вазифаларига виждонан ёндашган ҳолда мурожаатчилар муаммоларини тинглашлари ва бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича бор имкониятларини ишга солишлари лозим.

Таъкидлаш жоизки, улар ҳудудларда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиниши аҳволи бўйича тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ҳар йили маъруза тақдим қилади.

Табиийки, амалдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Қонунни Фармонда акс этган ислоҳотлар асосида такомиллаштириш вазифаси ҳам қўйилди. Жумладан, ишлаб чиқилиши режалаштирилаётган қонун лойиҳасида минтақавий вакилнинг мақоми, вазифа ва ваколатларига оид нормалар киритилади. Шунингдек, жазони ижро этиш муассасалари ва терговҳибсхоналари ҳудудида “Омбудсман қутиси”ни сақлашнинг ҳуқуқий механизмлари, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ва ҳимоя қилиниши ҳолати тўғрисида Омбудсман томонидан жамоатчиликни хабардор қилиш тартиби ва механизми каби қатор масалалар ҳам қонуннинг янги таҳририда акс эттирилади.

Ҳозирги кунда ҳар бир соҳага татбиқ қилинаётган ахборот-коммуникация технологиялари ва рақамлаштириш амалиётини инсон ҳуқуқлари соҳасига ҳам кенг жорий этиш давр талаби. Шунингдек, бу ташкилотнинг очиқлик ва шаффофлик тамойиллари асосида ишлашининг муҳим механизмидир. Шу нуқтаи назардан, Фармон билан Омбудсман институтининг электрон ҳужжат айланиш тизимини яратиш ва уни ишга тушириш, ушбу тизимни вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ҳамда маълумотлар базаси билан интеграция қилиш, шунингдек, Омбудсман расмий веб-сайтининг узлуксиз ишлашини таъминлаш вазифаси ҳам қўйилмоқда. Бу орқали мурожаатларни юборишдан тортиб, унинг ҳал этилишигача бўлган жараённи электронлаштириш, мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда, аҳоли учун қулайликлар яратишга эришилади.

Мазкур Фармон билан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини такомиллаштириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар режаси ҳам тасдиқланди. Ушбу чора-тадбирлар режаси орқали босқичма-босқич инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш йўлида Омбудсман институти фаолияти самарадорлиги янада оширилади.

Мухтасар айтганда, давлат раҳбарининг инсон ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган мазкур Фармонини кутилган ва тарихий ҳужжат дейиш мумкин. Чунки, унга мувофиқ жорий этиладиган ислоҳотлар занжири асосида Омбудсманнинг мурожаатлар билан ишлаш ва қийноқларга қарши курашишдаги ҳудудлардаги фаолияти кучайтирилади. Қонунчилик асослари янада такомиллаштирилади ва Омбудсман фаолиятини рақамлаштириш орқали мурожаатчиларга қулайликлар яратилади. Албатта, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, халқни рози қилиш борасидаги ислоҳотлар бундан буён ҳам давом этади.

**Феруза ЭШМАТОВА,**
**Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман).**

# ТИНЧЛИКНИНГ НАРХИ ҚАНЧА?

1

Урҳо-ур билан лайнерга кириб олганларни омади чопганлар атадик. Қолганлар ичида, ҳатто самолёт қанотига, ғилдиракларига осилиб манзилга етмоқчи бўлганларни кузатдик. Учоқ заминдан кўтарилиши билан ерга қулаб чилпарчин бўлган у шўрликлар, била туриб нега жонини хатарга қўйди? Улар ўша олис Америка диёрига орзу-ҳавас, молу давлат илинжида кетаётганмиди? Асло! Бу жафокаш халқ фарзандларининг излагани ҳам, истагани ҳам битта — тинчлик!

## Урушнинг боши — ўйин, охири — ўлим!

Қаранг, Афғонистон тупроғи қирқ уч йилдан буён қонли уруш ичида. Бу ўлкада жангу жадаллар бошланган йилларда йўргакда ётган бола, ҳозир соқоли кўксига тушган 43 яшар киши. Аммо унинг бу ҳаётда кўз очиб кўргани уруш, нотинчлик, хавфу хатар бўлди. Бу бахтиқаро одам қўлига қалам тутиб, илм эгаллашни ўрганолмагандир эҳтимол, аммо автоматдан ўқ отиш, душманни ўлдириш илмини сув қилиб ичиб юборди. Ҳозир ҳам у тунлари қуролини маҳкам қучоқлаб ухлашга маҳкум. Чунки болаларининг илму маърифати, таълим-тарбияси, касбу камолидан кўра, жигарбандларининг тирик қолиши ҳақида кўпроқ қайғуришга мажбур...

"Урушнинг боши ўйин, охири ўлим", деган нақл бор халқ орасида. Афғонистон эса Шарқ ва Ғарб манфаатлари кесишган нуқтада жойлашган. Шундай экан, баъзи "ўйинчи" давлатлар бу юртда тинчлик бўлишидан манфаатдор эмас. Сабаби ҳозир афғон заминида 200 миллион тонна нефть ва 137 миллиард кубометр газ ресурслари мавжуд. Биргина Ҳажи Гек конида 240 миллион тонна мис ҳамда 428 миллион тонна темир захираси борлиги айтилади. Ўз даврида совет иттифоқи геологлари бу диёр тупроғида табиатда кам учрайдиган кўплаб ноёб металл турларини аниқлаган. Кейинчалик ушбу маълумотларни АҚШ Геология қўмитаси ҳам тасдиқлаган. Айни пайтда мамлакатдаги мавжуд ресурслар қиймати 3 триллион АҚШ долларига баҳоланмоқда. Қолаверса, бу юртни наркобизнес, қурол савдоси ўчоғига айлантириб, жарақ-жарақ пул ишлашни хоҳловчи кучлар қанча?..

Биз Афғонистондаги бугунги вазият хусусида қозилик қилиш фикридан йироқмиз. Қолаверса, давлатимиз бу борадаги сиёсий позициясини аллақачон эълон қилган. Ўзбекистон биродар ва жафокаш афғон халқига, биринчи навбатда, тинчлик, хотиржамлик тилайди. Бу заминда фаровонлик ва тараққиёт бўлишини истайди.

Лекин бугун биз айтмоқчи бўлган гап бошқа: юз минглаб, эҳтимол миллионлаб афғон болалари, ёшлари тинчлик учун қўлига қурол олган бир пайтда Ўзбекистонда 650 минг нафарга яқин ўғил-қизлар илк бор мактаб остонасини ҳатлаб, қўлига қалам тутиб, "Президент совғалари"ни қабул қилиб олди. Икки юз минга яқин йигит-қизлар олий ўқув юртлари талабалари сафига қўшилди.

Минглаб афғон ўғил-қизлари ота-онасидан, яқинларидан бевақт айрилиб, бахтли ҳаёт кечиришдан мосуво бўлиб, кўксида алам ўтини ёққанида, бизнинг умидли фарзандларимиз Токиода бўлиб ўтган Олимпиада ва Паралимпия ўйинларидан бўйнига шода-шода медаллар тақиб қайтди. Яна юзлаб йигит-қизларимиз Россиянинг Қозон шаҳрида бўлиб ўтаётган МДҲ ўйинларида иштирок этиб, 100 га яқин ғолиблик медалларини қўлга киритди...

## Мол талаш, майдон талаш…

Қаерлардадир мол талаш, жон талаш... Яна қаерлардадир бир бурда нонни бўлишолмай ёқавайрон бўлаётганлар бор. Жанубий Кавказда эса ўтган йили майдон талаш бўлди. Бир неча кун ичида Тоғли Қорабоғ қонли Қорабоққа айланди. Бир ёнда Арманистон, бир томонда Озарбайжон! Икки давлат ҳарбий кучлари ўртасидаги қарама-қаршилик борган сари кескин тус олди. Оғир артиллерия, танклар, ракета ва дронлар ишга тушди. Энг ёмони, қурбонлар кўп бўлди. Ҳар икки томондан жами 10 мингга яқин аскарлар ҳалок бўлди. Тинчлик сулҳига-ку охир-оқибат эришилди. Аммо ўртада қурбон бўлганлар, катта талафот ва адоватлар қолди.

Афсуски, жорий йилда бундай қонли тўқнашувларга ён қўшниларимиз — Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида ҳам гувоҳ бўлдик. Икки томоннинг ҳам важлари қанчалик ўринли, сабаблари нақадар асосли бўлмасин, ўртага совуқчилик оралади. Қанчадан-қанча қурбонлар берилди, 100 дан зиёд биноларга ўт қўйилди, мактаблар, боғчалар, дўконлар, маҳкамалар аланга ичида қолди. Ўзбекистон ана шу сўнгги можаролар юзасидан биринчилардан бўлиб жиддий хавотир билдириб чиққан давлат бўлди. Вазиятни тезроқ ўнглаш учун қўлдан келган барча чорани кўрди. Лекин, минг таассуфки, ўлганларни ортга қайтариб бўлмайди.

— Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг "Исро" сураси, 83-оятида тинчлик-осойишталик хусусида шундай марҳамат қилган, — дейди Қибрай туманидаги Тўқайтепа масжиди имом-хатиби Сайдулло Мамадалиев. — "Қачон (Биз) инсонга (тинчлик, саломатлик, фаровонликни) инъом этсак, у (шукр қилишдан) юз ўгириб, ўз ҳолича кетур. Қачон унга (хасталик, камбағаллик каби) бирор ёмонлик етса, ноумид бўлур". Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳадисларидан бирида эса "Қайси бирингиз тонгда уйқудан уйғонганда оиласи тинч, тани соғ ва уйида бир кунлик егулиги бўлса, билсинки, унда дунёдаги барча неъматлар мужассам экан", деганлари ривоят қилинади. Ушбу муқаддас битиклардан келиб чиқадиган якдил хулоса шундай: тинчлик ва осойишталик — башариятга инъом этилган улуғ неъмат. Бошимизга мусибат ё кулфат ёғилмасидан аввал унинг қадрига етишни ўрганишимиз лозим. Шукроналикнинг асл мағзи шу аслида. Дунёда, ён-атрофимизда юз бераётган воқеаларни қаранг. Қаердадир масжиду қадамжолар устига ракеталар келиб тушмоқда. Бизда эса янги-янги масжидлар, мадрасаю илм масканлари қуриляпти. Қайсидир ўлкада турар-жойлар, иморатлар вайрон қилиняпти. Бизда эса кейинги беш йилнинг ичида 140 мингдан зиёд арзон ва сифатли уй-жойлар қурилибди. Шундан аксарияти турмуш шароити оғир оилаларга бошланғич бадали давлат томонидан тўланиб, имтиёзли шартлар асосида тақдим этилибди. Жорий йилнинг ўзида яна 50 мингга яқин оилалар шундай имкониятга эга бўларкан. Энди ўзингиз холис айтинг, тинчлик-осойишталик ҳукм сурмаган, инсон қадр-қиммати устувор бўлмаган юртда шундай ўзгариш ва янгиланишларни амалга ошириш мумкинми?!

## Урушнинг мурғак жабрдийдалари

"Бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака қочади", дейди халқимиз. Ҳақ гап. Бу ҳикматнинг исботини кунда-кунора ойнаи жаҳон, интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлар орқали кўриб, билиб турибмиз. Айрим давлатлардаги беқарорлик, қуролли тўқнашувлар оқибатида минг-минглаб бегуноҳ одамлар қони тўкилаётгани, ёстиғи қуриётганидан хабардормиз. Улар орасида аёллар, болалар, кексалар энг кўп жабр чекаётганига нима дейсиз?! Мана, шу йилнинг май ойида биргина Ғазо секторидаги урушда камида 65 нафар бола нобуд бўлди.

...Якшанба тонги. Ғазо шаҳри марказидаги ал-Вихда кўчасига Исроил зарба берди. Ракета ҳужумидан Ал-Кавалик оиласининг 13 нафар аъзоси вафот этди. Қурбонларнинг аксарияти болалар, ҳатто бири олти ойлик чақалоқ...

...Муборак жума. Ҳайит байрами арафаси. Муҳаммад ал-Ҳадидийнинг тўрт фарзанди — 13 ёшли Суҳайб, 11 яшар Яҳё, 8 ёшли Абдураҳмон ва эндигина 6 баҳорни қарши олган Яшар Ғазо шаҳри ташқарисида яшовчи амакиваччалари уйига меҳмонга боришди. Бироқ эртаси куни улар турган бино ҳужумга учради. Хонадон ичида бўлганлардан фақат беш ойлик чақалоқ — Умаргина омон қолди. Уни бино остидан, онасининг жасади ёнидан чиқариб олишди.

Худди шундай аянчли кунларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу зиддиятлар ҳақида ўз хулосасини баён қилди: "Фаластин ва Исроилдаги воқеалар, Ал-Ақсо масжиди атрофидаги ҳаракатлар ҳақида гапирар эканмиз, биз фақат тинчлик бўлиши тарафдоримиз. Албатта, ҳар қандай масала бир стол атрофида ўтириб, муроса қилинсагина ҳал бўлади".

— Уруш ва нотинчлик ҳукм сураётган мамлакатларда одамларнинг келажакка бўлган ишончи сўнади, — дейди пойтахтимиздаги "Янгиобод" МФЙ раиси, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳибаси Манзура Валиева. — Чунки қонли тўқнашувлар юз бераётган давлатлар иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан эллик йил, балки ундан ҳам кўпроқ орқага кетиши бор гап. Шуларни янада теранроқ англатиш мақсадида тунов куни набираларимни "Янги Ўзбекистон" боғига олиб бордим. Мустақиллик монументини кўрсатдим. Мажмуада буюк саркарда ва жаҳонгирлар, аллома ҳамда мутафаккирлар, жадид боболаримизнинг ўлмас сиймолари акс эттирилибди. Мустабид тузум давридаги оғир ва машаққатли ҳаёт, қатағон сиёсати, Иккинчи жаҳон урушида халқимиз кўрсатган жасорат ва матонат таъсирчан лавҳаларда жамланибди. Буларнинг барчаси халқимиз, айниқса, ёшларимизни тинч ва фаровон ҳаётимизни янада қадрлаб яшашга даъват этиши керак.

Осойишта юртга байрамлар ярашади, деймиз. Бу — баландпарвоз гапга ўхшар эҳтимол. Аммо бугун юртимизда 2017 йилдагига нисбатан жиноятлар сони 12 мингтага камайгани, жорий йилнинг олти ойи якунига кўра, мавжуд 9 минг 251 та маҳалланинг 50 фоизида биронта ҳам жиноятга йўл қўйилмагани жуда қувончли натижа эмасми?! Бунинг қадрини дайди ўқ келиб манглайини тешишидан, хонадони бомбалар остида қолиб кетишидан хавотирланиб ва мурғаккина гўдагининг йиғисини яна бир бор эшитиш умиди билан яшаётганлар янада теранроқ англаса, не ажаб?!

*Осойишта юртга байрамлар ярашади, деймиз. Бу — баландпарвоз гапга ўхшар эҳтимол. Аммо бугун юртимизда 2017 йилдагига нисбатан жиноятлар сони 12 мингтага камайгани, жорий йилнинг олти ойи якунига кўра, мавжуд 9 минг 251 та маҳалланинг 50 фоизида биронта ҳам жиноятга йўл қўйилмагани жуда қувончли натижа эмасми?! Бунинг қадрини дайди ўқ келиб манглайини тешишидан, хонадони бомбалар остида қолиб кетишидан хавотирланиб ва мурғаккина гўдагининг йиғисини яна бир бор эшитиш умиди билан яшаётганлар янада теранроқ англаса не ажаб?!*

## Ўт балосидан, сув балосидан асрасин!

Бу йилги ёз ҳар қачонгидан иссиқ келди. Шундай паллаларда Эронда ҳам кучли қурғоқчилик кузатилди. Кундузлари кўчага чиқиш имконсиз. Сув тақчил, чироқ ҳам тез-тез ўчмоқда. Мамлакат аҳли эса кетма-кет олтинчи тунки, кўчаларга чиқиб, ҳукуматдан сув талаб қилаётир.

Шу тариқа норозилик намойишлари авж олди. Полиция йиғинга чиққанларни кўздан ёш сиздирувчи газ билан ҳайдади. Ҳузистон, Изеҳ ва Шодигонда тўрт йигит ўқотар қуролдан яраланиб, вафот этди. Ҳузистон сўнгги оммавий намойишлар марказига айланди. Хабарларга кўра, ўша кунлари бу ерда 700 дан ортиқ тураржой мавзелари сув таъминотидан узилиб қолган.

Бу каби кўнгилсизликларни йил давомида бошқа мамлакатларда ҳам кузатдик. Гаитида юз берган 7,2 баллга тенг зилзила 2 минг одамнинг умрига зомин бўлди, 10 минг одам жароҳатланди, 100 мингдан зиёд бинолар вайрон бўлди.

Германия ғарбида юз берган сув тошқинлари эса ўша кунларда 200 нафарга яқин кишиларни ҳаётдан олиб кетди. Мингдан зиёд одамлар бедарак йўқолди. 40 мингга яқин автомобиллар шикастланди, 10 мингта тураржойга зарар етди. Мамлакат биргина саноат соҳасида 6,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида зиён кўрди.

Худди шундай табиий офат тури Россия, Испания ва бошқа мамлакатларда ҳам кузатилди. Ҳатто Ўзбекистон ҳам бу йил кучли ёғингарчиликлар туфайли келиб чиққан сел тошқинларидан жиддий талафот кўрди.

Туркияда аввалроқ юз берган сув тошқинлари юзга яқин одамларнинг ҳаётига нуқта қўйган бўлса, қарийб 100 минг гектар майдондаги ўрмон ёнғинлари ўнга яқин инсонлар умрига зомин бўлди.

— Кексаларимиз сув ва ўт балосидан асрасин, деб дуо қилиши бежиз эмас, — дейди Каттақўрғон туманининг Мўминхўжа маҳалласида яшовчи 83 ёшли отахон Маматкарим Аслонов. — Ҳозир дунёда бўлаётган табиий офатлар ҳақида эшитиб, юрагим эзилиб кетади. Биз қийин даврларда яшаганмиз. Оғзимиз ошга етганидан хурсанд эдик. Мактабга акамиз ё опамизнинг йиртиқ калишини судраб борсак ҳам, ҳаётимиздан нолимаганмиз. Ҳозир эса ёшлар учун ҳамма нарса муҳайё. Мана, набираларимдан бири Америкада ўқияпти. Яна бири кеча қайсидир халқаро университетга кирдим, деб суюнчилаб келди. Ўғилларимнинг ҳаммаси уйли-жойли, машинали. Касбкорига барака берсин! Лекин кузатсам, ҳозирги авлод жуда сабрсиз бўлиб бораётгандай. Шукр қилишни ҳам билиш керак, дейманда, болам. Худонинг қаҳри келмаса, бўлди...

## «Фитна назарияси» қурбонлари…

Иккинчи жаҳон урушида сайёрамиздаги мавжуд 73 давлатдан 61 таси иштирок этган. 110 миллиондан зиёд аскарлар жалб қилинган жангу жадалларда 25 миллионга яқин ҳарбийлар ҳалок бўлган. Бу — инсоният тарихидаги энг мудҳиш уруш оқибатларига доир мухтасаргина маълумот.

Аммо икки йил аввал башарият рўбарў келган COVID-19 аталмиш офат кўлами бундан зиёд бўлса борки, асло кам эмас. Қаранг, Иккинчи жаҳон урушида жами 73 давлатдан 61 таси иштирок этган бўлса, коронавирус Ер юзининг барча ҳудудини тўлиқ қамраб олди. 225 миллион киши шу хасталикка чалинди. Касалликдан вафот этганлар сони эса қарийб 4 миллион 700 минг нафарга етди. Энг ёмони, бу офат миллат ҳам, мамлакат ҳам, наслу насаб ҳам танлаб ўтиргани йўқ, учраганнинг бўғзига ёпишяпти. Пандемия қаердадир бир муддат сусайгандай бўлди-ю, қаердадир авж олаверди.

Мана, бир неча ой олдин интернетда тарқалган хабардан иқтибос келтирамиз: "...Индонезияда аҳвол оғир. "Ковид"дан ўлганларни тупроққа қўйиш учун одам ҳам, қабристон ҳам етишмаяпти. Бир кун олдин икки мингдан ортиқ ўлим ҳолатлари кузатилди ва кунлик рекорд қайд қилинди. Касаллик юқтириш кўрсаткичлари ҳам ошди.

Ўт ўчирувчилар ва полиция ходимлари уйда ўлаётганларнинг жасадларини дафн этишга жалб қилинди. Уларнинг кўпчилиги аллақачон тўлиб қолган шифохоналардан ортга қайтарилган. Ҳукумат Жакартанинг ўзида COVID-19 қурбонлари учун камида 7 та қабристон тайёрлади".

Шукрки, Ўзбекистон пандемия билан боғлиқ синовларни мардонавор енгиб ўтмоқда. Аста-секин касалланиш кўрсаткичлари ҳам пасаймоқда. Давлатимиз бунинг учун мавжуд куч ва имкониятларни тўлиқ сафарбар этди. Триллионлаб маблағлар пандемия шароитида юртдошларимизни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Муҳими, бугун коронавирусга қарши таъсирчан воситалар бор. Вакцина захиралари етарлича ғамлаб қўйилаётир. Лекин шунга қарамай, орамизда COVID-19 бир четда қолиб, "фитна назарияси" қурбонига айланаётганлар кўпайиб бораётгани ачинарли. "Эмлансангиз, ўласиз", "Вакцина таркибида чип бор экан" қабилидаги ёлғон-яшиқ хабарлар, уйдирмалар, ҳатто баъзи ақлу ҳуши жойида инсонлар онгини ҳам заҳарлаб улгургани барчамизни ташвишга солмай қўймайди.

"Фитна назарияси"да "қудратли шахсларнинг яширин гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган ёвуз режа" юқори таъсир кучига эга бўлади, — дейди Лондондаги Опен университети олими Жован Биффорд. Яна унинг қайд этишича, бу назария "оммани авраш" ёки "манипуляция" қилиш, илм-фан, ҳукумат ёки медиа ташкилотлар орқали амалга оширилиши мумкин.

Шу ўринда кекса ҳинд донишмандининг набирасига берган ўгити ёдга тушади:

— Ҳар бир одам вужудида икки бўрининг курашига ўхшаш жанг кетади. Битта бўри ёвузликни англатса, бошқа бўри яхшиликни ифодалайди.

Бобосининг сўзларидан ажабланган набира сўрайди:

— Охирида қайси бўри ғолиб чиқади?

Кекса ҳинд табассум билан жавоб қилади:

— Сен боққан бўри доим ғалаба қозонади, болам.

Қиссадан ҳисса шуки, бугун Ўзбекистон янгиланиш даврига қадам қўйган. Давлатимиз очиқ, прагматик ва амалий ташқи сиёсат юритиб келаётир. Ўтган қисқа даврда эришганларимиз кўп. Келгусида ҳал этиладиган муаммоларимиз ҳам талайгина. Буни давлатимиз раҳбарининг ўзи тан олиб айтмоқда. Аммо ҳамжиҳат бўлмас эканмиз, олдинга силжишимиз жуда қийин кечади. Тирноқ ичидан кир қидириш осон. Аммо шу юрт равнақи учун бир иш қилишга қодир бўлмасак, бора-бора, тарқоқ элга айланамиз. Душман маҳв этиш учун излайдиган нозик нуқталардан бири — айнан шу! Жилла қурса, Ватанимиздаги тинчлик-осойишталикнинг қадрига етишимиз шарт! Зотан, ичимиздаги ёвуз бўрини ўлдириш фурсати келди.

**Фаррух БЎТАЕВ,**
**журналист.**



**Ҳадислардан бирида *"Қайси бирингиз тонгда уйқудан уйғонганда оиласи тинч, тани соғ ва уйида бир кунлик егулиги бўлса, билсинки, унда дунёдаги барча неъматлар мужассам экан",* дейилади. Ушбу муқаддас битиклардан келиб чиқадиган якдил хулоса шундай: тинчлик ва осойишталик — башариятга инъом этилган улуғ неъмат.**



**Айрим давлатлардаги беқарорлик, қуролли тўқнашувлар оқибатида минг-минглаб бегуноҳ одамлар қони тўкилаётгани, ёстиғи қуриётганидан хабардормиз. Улар орасида аёллар, болалар, кексалар энг кўп жабр чекаётганига нима дейсиз?!**

# ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДЛАР. УЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ҚАНДАЙ?

1

Шу ўринда Президентликка номзодларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашда уларнинг сайлов жараёнида алоҳида ўрин тутишини, номзодларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ўзига хос хусусиятга эгалигини, бу ҳуқуқ фуқароларнинг сайланишга бўлган конституциявий ҳуқуқини тўлдириши ва аниқлаштиришини айтиб ўтиш керак.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида сайловларни ўтказиш учун масъул орган бўлган Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловда иштирок этиши учун тенг шароитларни таъминлайди.

Хўш, Президентликка номзодлар қандай талабларга жавоб бериши керак?

Айтиш жоизки, Конституциямизга кўра Президентликка номзодлар:

— ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган;

— давлат тилини яхши биладиган;

— бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган;

— Ўзбекистон фуқароси бўлиши керак.

Шу жойда ценз тушунчасига эътибор қаратиш зарур. Ценз бу муайян бир фаолиятда иштирок этишни маълум бир шарт билан чеклаш. Сайлов цензи эса фуқароларнинг сайловларда қатнашиши юзасидан Конституция ва сайлов қонунчилигида белгилаб қўйиладиган шартлар (талаблар, чекловлар) бўлиб, улар ёш, фуқаролик, ўтроқлик, маълумот ва ахлоқий цензлар (чекловлар) шаклида белгиланади.

Президентликка номзодларга қўйиладиган талаблар ҳам турли давлатлар қонунчилигида белгиланган бўлиб, улар ўзаро бир-биридан фарқ қилади. Масалан, Ўзбекистон қонунчилигида Президентликка номзодлар учун камида 35 ёшга етганлик талаб этилади. АҚШ, Руминияда ҳам Президентликка номзодларга нисбатан худди биздаги каби талаб (ёш цензи) — номзоднинг 35 ёшдан кичик бўлмаслиги талаб қилинади.

Қозоғистон Республикаси Конституциясида Президентликка номзодга қўйиладиган талабларга эътибор қаратадиган бўлсак, унда номзоднинг 40 ёшдан кичик бўлмаган ёшга етган бўлиши талаб этилишини кўриш мумкин. Ваҳоланки, айрим давлатларда Президентликка номзодлар учун ёш цензи анча катта белгиланган. Масалан, Италияда номзод 50 ёшга тўлган бўлиши керак.

Айтиш зарурки, Ўзбекистон Конституциясида Президентликка номзодларга нисбатан тил цензи ҳам мавжуд. Масалан, номзод давлат тилини яхши биладиган бўлиши зарур.

Президентликка номзодларга нисбатан ўтроқлик цензига кўра, номзод бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган бўлиши керак. Бу муддат АҚШда 14 йил, Қозоғистонда 15 йил қилиб белгиланган.

Ваҳоланки, айрим давлатларда номзод шу мамлакат ҳудудида туғилган бўлиши талаб этилади: АҚШ, Қозоғистон ва Руминияда шундай талаб мавжуд. Ўзбекистон Конституциясида бундай талаб йўқ.

Юқорида қайд этилганидек, айрим давлатлар қонунчилигида номзодларга нисбатан маълумот цензи қайд этилганлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Конституциясига кўра Президентликка номзодларга нисбатан Ўзбекистон фуқароси бўлиши кераклиги талаби мавжуд.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади.

Шу ўринда Президентликка номзодларга қўйиладиган ушбу талабларнинг ўз миллий тажрибамиз билан бир қаторда, жаҳон амалиётига ҳам асосланганини таъкидлаш зарур. Юқоридаги маълумотларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, ҳар бир давлатнинг Президент сайловига оид қонунчилиги, жумладан, Президентликка номзодларга нисбатан қўйиладиган талаблар ўша давлатнинг миллий давлатчилиги, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва сиёсий менталитетига боғлиқ ҳолда шаклланади.

**Мавлуда АҲМЕДШАЕВА,**
**ТДЮУ профессори.**

# ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ МЕРОСИ — УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ



**Мамлакатимизда анъанавий Маданий мерос ҳафталиги бўлиб ўтмоқда. Пойтахтимизда ушбу ҳафталик доирасида Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича бутунжаҳон жамиятининг V халқаро конгресси ташкил этилди.**

## Ҳафталик

“Ўзбекистон маданий мероси — янги Ренессанс пойдевори” мавзуидаги ушбу конгресс ишида кўплаб маҳаллий ва хорижлик олимлар, археологлар, санъатшунослар, манбашунослар, музейшунослар,ноширлик ва кутубхона иши мутахассислари иштирок этмоқда.

Мазкур тадбир Президентимиз томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурилган “Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” мавзусидаги халқаро форум арафасида бўлиб ўтмоқда.

Тадбирда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда миллий тараққиёт, маънавият ва маърифат масалаларига устувор аҳамият қаратилаётгани таъкидланди.

Таниқли олимлар ўзбек заминида яшаб ўтган алломаларнинг дунё тамаддунига қўшган ҳиссаси, инсоният тарихида бетакрор из қолдирган биринчи ва иккинчи Ренессанс даврларини ўрганишдаги кўп йиллик тадқиқотлари натижалари ва оламшумул топилмалари ҳақида сўз юритди.

— Темурийлар даврини тўлиқроқ ўрганиш ва соҳам бўйича янги тадқиқотлар олиб бориш мақсадида юртингизда бир неча маротаба бўлганман, — дейди Абу Даби шаҳридаги Зиёрат миллий музейи консултанти Ёахим Грилиш. — Бу сафар Ўзбекистонга келиб, бу ердаги ўзгаришлардан, тўғриси, ҳайратга тушдим. Конгрессга дунёнинг кўплаб мамлакатларидан мутахассислар ташриф буюрди. Ўзбекистонни дунёга танитишда бу каби тадбирларнинг аҳамияти беқиёс. Конгрессда муқаддас Қуръон китоби Усмон нусхасининг зарҳал ҳарфларда битилганини кўриб, катта таассуротга эга бўлдик. Диний китобнинг бу тарзда тикланиши дин ва фан ривожида катта бурилиш ясай олади.

Бебаҳо миллий меросимизни ўрганиш тараққиётнинг янги палласида муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз. Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича бутунжаҳон жамияти бебаҳо бойликларимизни ўрганиш, уларнинг хориждаги қисмини мамлакатимизга қайтариш, чоп этиш, мазмун-моҳиятини тарғиб этишга фаол ҳисса қўшиб келмоқда. Мазкур жамоат тузилмаси таркибига жаҳоннинг кўплаб давлатларидан 600 дан ортиқ олимлар, экспертлар, шарқшунослар, музейшунослар, санъатшунослар киритилган.

Халқаро тузилма томонидан ҳозирга қадар “Ўзбекистоннинг маданий мероси дунё тўпламларида” деб номланган китоб-альбомнинг 35 таси нашр этилган бўлса, тадбир доирасида яна 15 та янги нашр тақдимоти ўтказилди.

— Ўзбекистонга биринчи маротаба ташрифим шундай юксак савиядаги конгрессга тўғри келганидан мамнунман, — дейди Австриядаги “Мюлер Шиндлер” нашриёти директори Шарлотта Краме. — Халқингизнинг илиқ муносабат билан кутиб олганидан жуда ҳам бахтиёр бўлдим. Бундай тадбирларни телеэкранларда кўришимиз мумкин, лекин айнан илм аҳли билан юзма-юз дийдорлашувнинг завқи, гашти, аҳамияти бўлакча. Чунки нашриёт мутахассиси тарихий ашёларни ўз кўзи билан кўриши, илм аҳлининг сўзларини эшитиши керак. Тадбир давомида биз шундай имкониятга эга бўлганимиздан хурсандмиз.

Маданий мерос ҳафталиги давомида 14-15 сентябрь кунлари Хива шаҳрида “Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” мавзусидаги халқаро форум, ЮНЕСКО шафелигида “Археология ва туризм: салоҳиятни аниқлаш ва меросни бошқариш” халқаро конференцияси, Ўзбекистон фуқаролари ва хорижлик меҳмонларни мамлакатимиз санъатининг ноёб дурдоналари билан таништириш мақсадида ўндан ортиқ кўргазмалар ўтказиш режалаштирилган.

Ҳафталик 21 сентябргача давом этади.

**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ПОЛЬША ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

*2021 йил 13 сентябрь куни Польша Давлат котиби, Миллий хавфсизлик бюроси раҳбари П. Солох бошчилигидаги делегация мамлакатимизга ташриф буюрди.*

Ислом Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропортида Польша ҳукуматининг COVID-19 га қарши курашда Ўзбекистонга беғараз ёрдам сифатида ажратилган 252 минг дозадан иборат “Astra-Zeneca” вакцинасини расмий топшириш маросими бўлди.

Инсонпарварлик юкини Ўзбекистон томонига Польша Давлат котиби, Миллий хавфсизлик бюроси раҳбари Павел Солох ҳамда ушбу мамлакатнинг Стратегик захиралар бўйича ҳукумат агентлиги президенти Михал Кучмеровски топширди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигидан маълум қилишларича, вакциналар мамлакатимизнинг барча ҳудудига тақсимланади ва улардан яқин 40 кун ичида фойдаланилади.

Ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппарати ва Польша Миллий хавфсизлик бюроси ўртасида музокаралар ўтказилади. Польша делегацияси, шунингдек, Ташқи ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги ҳамда Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтида учрашувлар ўтказади.

Учрашувларда томонлар учун долзарб бўлган сиёсий мулоқотни ривожлантириш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни, маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинади, хавфсизлик соҳасида ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари кўриб чиқилади.

Томонлар шу кунларда долзарб бўлиб турган халқаро ва минтақавий масалалар, жумладан, Афғонистонда юзага келган вазият юзасидан ҳам фикр алмашади.

Сафар доирасида Тошкентдаги “Исонинг муқаддас юраги” черковига ташриф буюриш ҳамда поляк армияси генерали Владислав Андерс шарафига ўрнатилган ёдгорлик пойига гул қўйиш режалаштирилган.

**Саидмурод РАҲИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИДА ИСТИҚБОЛЛИ ЎЗГАРИШЛАР

*Республикамизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг кўлами кенг. Бу ҳақда гап борганда, шуни ҳам айтиш жоизки, энг устувор вазифалардан бири — халқни рози қилиш. Жумладан, пенсия тизимида ҳам.*

## Ислоҳот

Бугунги кунда республикамиз аҳолисининг 11 фоизи, яъни 3 миллион 824 минг нафари меҳнатга лаёқатсиз ва вақтинча лаёқатсиз бўлган пенсия ҳамда нафақа олувчилардир. Шундан 2 миллион 849 минг нафари ёшга доир пенсия олса, қолганлари ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олади.

Масаланинг муҳим томони шундаки, пенсионерлар соҳадаги ислоҳотлару ўзгаришлардан мамнунми, деган савол туғилади. Айтиш жоизки, одамларни рози қилиш, ушбу тизимда хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида биргина Арнасой туманида фуқароларнинг талаб ҳамда истакларидан келиб чиқиб, уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида урғу берилаётир.

Туман бўйича жами 4008 нафар пенсия ва нафақа олувчи мавжуд. Уларнинг ҳар бири ҳукуматимиз эътиборида. Жумладан, пенсия таъминоти борасидаги ислоҳотлар боис йил сайин пенсия ва нафақалар миқдори босқичма-босқич ошириб борилаётир.

Пенсия ва нафақаларни тайинлашда фуқаролар учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида шу йил 1 июндан бошлаб янги тартиб-қоидалар ўрнатилди.

Хусусан, эндиликда пенсияларни тайинлашда шахснинг иш ҳақи ва меҳнат стажи тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилмаган давр — 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажи шахснинг меҳнат дафтарчасидаги мавжуд ёзувлар асосида, тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан ҳисобланади. Уч йил ва ундан аввал тайинланган, қайта ҳисобланган пенсия ҳамда нафақаларни текшириш ва улар бўйича аниқланган ортиқча тўловни ундириш бекор қилинди.

Ишловчи фуқаролар томонидан ишламайдиган турмуш ўртоқлари келгусида пенсия таъминотига эга бўлишлари учун ўз даромадларидан ихтиёрий равишда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи берилди. Пенсия ва нафақалар фуқаронинг хоҳишига кўра рўйхатга олинган доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича тайинланади ва тўланадиган бўлди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Пенсия ва нафақаларни нақд пулсиз шаклда олиш учун аризалар фуқаролар томонидан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг тегишли бўлимига мурожаат қилмаган ҳолда, тижорат банклари филиалларида банк пластик карталарини очиш жараёнида ёки банк мобиль иловалари орқали электрон шаклда расмийлаштирилади.

Фуқароларнинг пенсияга бўлган ҳуқуқи йўқолганлигини тегишли вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этиладиган электрон маълумотлар асосида аниқлаш орқали пенсияларни нақд пулсиз шаклда олувчи шахслар томонидан ҳар олти ойда Пенсия жамғармасининг бўлимига келиш ҳамда масъул ходимлар томонидан жойларга чиққан ҳолда мониторинг ўтказиш мажбурияти бекор қилинди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда пенсия тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлардан дарак беради. Зеро, пенсия ҳамда нафақа олувчилар юртимизнинг қайси нуқтасида истиқомат қилмасин, ирқи, жинси, миллати ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, давлат ҳамда ҳукуматимиз эътиборидадир.

**Наврўз САЙДАЗИМОВ,**
**Арнасой тумани Пенсия жамғармаси бўлим бошлиғи.**

# ИТБ: ўзаро алоқалар янги форматда ривожланади

*Сўнгги беш йилдаги туб ислоҳотлар ҳақида кўплаб фикрлар, муносабатлар билдириляпти. Шулардан бири — аҳолининг маълум бир фоизини ташкил қиладиган камбағаллик муаммосини бартараф этишга устувор аҳамият қаратилмоқдаки, бу саъй-ҳаракатлар бесамар кетаётгани йўқ.*

## Мушоҳада

Авваллари бу ҳақда очиқ-ойдин гапирилмас, муаммонинг аниқ бир ечими йўқ эди. Бугун-чи, вазият мутлақо бошқача. Давлатимиз раҳбари бу муаммони очиқ-ойдин айтиш баробарида, унинг ечимларини ҳам кўрсатиб беряпти.

Таҳлилларга кўра, камбағалликдан чиқишнинг энг самарали йўли тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, четдан йирик инвестиция киритиш ҳисобига ишлаб чиқариш саноатини тараққий эттириш ва минглаб иш ўринларини яратишдан иборатдир.

Бу борада давлатимиз томонидан олиб борилаётган улкан иқтисодий ислоҳотлар, ташқи ҳамкорликлар, шу билан бирга, ижро ҳокимиятида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартиш вазирлиги ташкил этилгани, айнан халқимиз турмуш даражасини яхшилаш, фаровонлигини оширишга қаратилган.

Яқинда “Чора кўриш, тиклаш, қайта ишга тушириш” мавзуида Тошкент халқаро конгресс марказида Ислом тараққиёт банки (ИТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 46-йиллик йиғилиши ўтказилди.

Анжуманда 2000 дан ортиқ иштирокчилар, жумладан, 57 та аъзо мамлакатнинг ҳукумат ва турли манфаатдор ташкилотлар вакиллари қатнашди. Мақсад кўп сонли аҳолимизнинг диний бағрикенглиги, айниқса, кўп қисми ислом динига эътиқод қилишидан келиб чиқиб, Ислом тараққиёт банкининг “0” фоизли кредитларидан унумли фойдаланиш, чет эл инвесторлари билан алоқаларни кенгайтириш, бу орқали инфратузилмани яратиб, халқимизнинг ўз иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини юқори даражага олиб чиқиш эди. Ўйлаймизки, ана шундай мақсадларга эришиш йўлидан қатъий бормоқдамиз.

Бу йилги анжуманда жаҳон иқтисодиётининг пасайишига сабаб бўлган COVID-19 пандемиясини ҳисобга олган ҳолда, тадбир доирасида аъзо мамлакатларда ва дунё миқёсида вакциналар оммабоплигини таъминлаш, пандемиянинг салбий оқибатларига қарши курашиш ва иқтисодиётларнинг комплекс тикланишини рағбатлантириш механизмлари, барқарор қўшилган қиймат занжирларини тиклаш, ёшлар ташаббусларини ҳар томонлама ривожлантириш, етарли иш ўринларини яратиш ва бошқа қатор масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни Ислом тараққиёт банки президентининг мамлакатимизга ташрифи доирасида ташкил этилган анжуманга Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташриф буюриб, кенг кўламли яқин ҳамкорлик ва иқтисодий пировард натижалар борасида нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари анжуман доирасида Иқтисодий имкониятларни кенгайтириш жамғармасини ташкил этиш бўйича келишув имзолангани ҳақида мамнуният билан сўзлаб, капитали 500 миллион долларга етказилиши кўзда тутилган ушбу жамғарма орқали юртимизда камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича лойиҳалар янада кенг амалга оширилишини билдирди.

Сарҳисоб қилинса, Ўзбекистон томони Ислом тараққиёт банкига 2003 йилда аъзо бўлиб, бугунга қадар жами 2,5 миллиард доллардан зиёд 30 та йирик инвестициявий лойиҳа, жумладан, мактаблар, арзон уй-жойлар, автомобиль йўллари, электр ва ичимлик суви тармоқлари қурилиб, соғлиқни сақлаш муассасаларини медернизациялашга эришиб келмоқда.

Бундан ташқари, самарали ҳамкорлик жараёнида сўнгги йилларда Имом Бухорий номидаги халқаро ҳадисшунослик маркази, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ва Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил қилиниб, янги мактаблар, илм-фан масканлари барпо этилди. 2016 йилдан ҳозирги кунга қадар 64 та янги олий таълим муассасаси очилиб, айни пайтда улар сони 141 тага етган.

> *Сарҳисоб қилинса, Ўзбекистон томони Ислом тараққиёт банкига 2003 йилда аъзо бўлиб, бугунга қадар жами 2,5 миллиард доллардан зиёд 30 та йирик инвестициявий лойиҳа, жумладан, мактаблар, арзон уй-жойлар, автомобиль йўллари, электр ва ичимлик суви тармоқлари қурилиб, соғлиқни сақлаш муассасаларини медернизациялашга эришиб келмоқда.*

ИТБ президентининг фикрига кўра, ИТБ Ўзбекистонда ҳамма соҳада ҳамкорлик қилиб келмоқда. Айниқса, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хизмат, сув таъминоти, қишлоқ хўжалиги, энергетика, йўлсозлик каби ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги муҳим лойиҳаларни молиялаштиришга ўз ҳиссасини қўшяпти. Эндиликда инвестициявий алоқалар ҳам янги босқичга кўтарилади. Анжуманда 2018 — 2021 йилларда Ўзбекистон билан стратегик ҳамкорликнинг янги босқичи истиқболлари муҳокама қилинди.

Ҳамкорликдаги яна бир самарали жиҳат, Бирлашган Араб Амирликлари билан биргаликда “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси амалга оширияпти. Унинг доирасида ёшларга ахборот технологиялари бўйича чуқур билим берилаётгани эътиборга лойиқ.

Дарҳақиқат, мазкур банк устав жамғармасидаги маблағ 150 миллиард доллар бўлиб, истиқболли ислоҳотлар амалга оширилишида кўмак бўлиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари анжуманда, жумладан, минтақамиздаги экологик муаммоларга тўхталиб, ҳамкорларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида тузилган Траст фонди ҳамда Оролбўйи минтақасида ташкил этилаётган экологик инновациялар ва технологиялар ёрдамида ҳудудни тараққий эттириш, туризмни ривожлантириш таклифларини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, Марказий ҳамда Жанубий Осиё мамлакатларининг ўзаро боғлиқлигини кучайтириш, янги транспорт йўлаклари ва логистикани ривожлантириш борасида нутқ сўзлаб, банк фаолиятини такомиллаштиришда қатор таклифларни билдирди.



“Ғарбий Африкадан Шарқий Осиёгача яшил йўлак” номли савдо-иқтисодий маконни шакллантириш ташаббуси ҳам илгари сурилди.

Таъкидланганидек, Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси ҳамда Инвестициялар ва экспорт кредитларини суғурталаш ислом корпорацияси томонидан молиявий инструментларни кенгайтириш ғоятда муҳим. Бу эркин савдони рағбатлантириш, инвестициявий хатарларни суғурталаш, транспорт ва логистика инфратузилмаларини ривожлантиришнинг муҳим омилидир.

Бинобарин, ИТБнинг фан, технология ва инновациялар жамғармаси имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ҳамда аграр соҳа, айниқса, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қайта тикланадиган энергия ва экологик технологияларни кенг қўллаш долзарб масалалардан бири, десак, муболаға эмас.

Одатда, Ғарб давлатлари банклари пул маблағлари олди-сотдиси билан шуғулланади ва бунда фоиз ҳисобига хизмат кўрсатади. Аксинча, Ислом тараққиёт банки — ислом қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда, кредит бериб, ундан фоиз олишни тақиқлайди, мижозлар олган кредитдан фоиз олмай даромад топади. Чунки ИТБ молиявий бизнеснинг кредит асосини инвестицияга кўчириб, фаолиятининг асосий принципи шундаки, банк ёки унинг омонатчиси кўрадиган наф олдиндан кафолатланмаган бўлиб, у тадбиркорнинг бизнеси фойдасига боғлиқ.

ИТБда анъанавий банк тизимининг асосий элементи, яъни кредит учун фоиз умуман йўқлиги халқимиз фаровонлигини янада оширишга, узоқ ва барқарор алоқаларни ривожлантиришга замин бўлиб хизмат қилади.

Ҳамкорликнинг янги босқичи сифатида, йиғилиш доирасида Ислом тараққиёт банки Ўзбекистонда исломий банк ҳамда молия соҳасининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишни қўллаб-қувватлаш учун техник ёрдам гранти ажратиши, ушбу лойиҳа орқали мамлакатда исломий банк ва молия учун қонуний ҳамда техник асослар яратилиши, шунингдек, аҳолининг ислом молиясидан хабардорлик даражасини ошириш кўзда тутилгани айни муддао бўлди.

Қолаверса, ИТБ Ўзбекистонда қишлоқлар ҳаётини барқарор ривожлантириш лойиҳаси учун 200 миллион доллар миқдорида пул ажратаётгани юртимиз тараққиётида муҳим аҳамиятга эга.

Олиб борилаётган кенг кўламли изчил ислоҳотларда Президентимиз томонидан халқаро майдонда халқимиз манфаатлари биринчи ўринга қўйилган ҳолда, шаффоф маҳаллий бошқарувни ривожлантириш, жамоатчилик иштирокида асосий инфратузилма ва хизматлардан фойдаланиш яхшиланаётгани аҳоли, айниқса, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш, камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринларини яратишда муҳим роль ўйнайди.

**Қўнғиротбой ШАРИПОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори.**

# ЮКСАК ЭЪТИБОР МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ БЎЛМОҚДА

1

“Янги Ўзбекистон” мажмуасида уюштирилган шарафлаш маросимида Паралимпия ўйинлари иштирокчилари, ғолиб ва совриндорлари, уларнинг ота-оналари самимий муборакбод этилди, спортчиларимизга Президент совғалари — автомобиллар, уйлар ва пул мукофотлари тантанали равишда топширилди. Албатта, бундай эътибор уларга катта рағбат беради.

Мамлакатимиз раҳбари 10 сентябрь куни XVI ёзги Паралимпия ўйинларида қатнашган спортчи ва мураббийлар, паралимпиячиларнинг ота-оналари билан учрашди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ, Токио шаҳрида бўлиб ўтган XVI ёзги Паралимпия ўйинларида юқори натижаларга эришган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳига фахрий унвонлар, орден ҳамда медаллар тантанали равишда топширилди.

Президентимиз билан ўтган учрашувда делегациямиз аъзолари алоҳида ҳурмат билан кутиб олинди. Бу ердаги кўтаринкилик ғолиблик шоҳсупасидаги ҳаяжондан ҳам баланд бўлди. Чунки давлат раҳбарининг эътибори, халқимиз ҳурмати олий бахт, бебаҳо мукофотдир. Спортчиларимиз натижаси янги Ўзбекистоннинг янги ғалабаси сифатида эътироф этилди. Мустақиллик байрамига бағишланган тантанада Юртбошимиз паралимпиячиларимизга ишонч билдириб, уларни олқишлаб, муваффақият тилаган эди. Жамоамиз билан бундай юксак ишончни оқлашга астойдил ҳаракат қилдик.



Давлатимиз раҳбари билан учрашувда юртимизда паралимпия ҳаракатини янада ривожлантириш масаласи асосий диққат марказида бўлди. Чунки замон шиддат билан ўзгармоқда. Ана шу ўзгаришларга тезкорлик билан жавоб қайтармасак, эртага кеч бўлади. Демак, янги натижалар учун бугундан ҳаракатни бошлашимиз лозим. Президентимиз учрашувда эришилган натижаларни мустаҳкамлаб, янада кўпроқ ютуқларни қўлга киритиш учун 2024 йилда Парижда бўладиган навбатдаги ёзги Паралимпия ўйинларига ҳозирданоқ аниқ тизим асосида тайёргарлик кўриш зарурлигини таъкидлади ва бу борадаги муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Уларга кўра жисмоний имконияти чекланган фуқароларни спортга кенг жалб этиб, паралимпия ҳаракатини ривожлантириш, иқтидорлиларни саралаб, тарбиялаш, хориждан тажрибали мутахассис ва мураббийлар жалб қилиш, спорт таълими масканларида паралимпия бўйича бўлимлар ташкил этилиб, қўшимча квоталар ажратилиши, махсус ўқув дастурлари ва методика жорий қилиш, келгуси ўқув йилидан бошлаб, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси қошида Паралимпия спорт турлари бўйича мутахассислар тайёрлаш институтини ташкил этиш вазифаси қўйилди. Шунингдек, паралимпиячиларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний ва руҳий тайёргарлигини ошириш мақсадида уларни Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказига бириктириш, дори-дармон билан таъминлаш муҳимлиги таъкидланди.



Мураккаб ва муросасиз беллашувлар якунида саккизта олтин медаль қўлга киритилди. Эътиборлиси, бу сафар биринчи марта спортнинг таэквондо тури бўйича ҳам олтин медаль жамғарилди. Айни шу жиҳат ҳам мамлакатимизда паралимпия ҳаракати янги спорт турлари билан кенгайиб бораётганига ёрқин бир мисолдир.

Ўзбек спорти тарихидан жой олган мазкур натижалар бардавом бўлиши учун ҳаракатни бугундан бошлашимиз керак. Чунки мусобақалар мавсуми давом этмоқда. Ҳар бир халқаро мусобақадаги иштирок спортчиларнинг малака ва тажрибаси ошишида катта мактаб вазифасини ўтайди. Қолаверса, бу турнирлар 2024 Парижда бўладиган Паралимпия ўйинларига дастлабки қадамлар саналади. Жорий йилнинг сентябрь ойи охирида пара-пауэрлифтинг бўйича жаҳон чемпионати ўтказилади. Мазкур дунё биринчилигида Париж Паралимпия ўйинлари учун дастлабки рейтинг очколари жамғарилади. Бундан ташқари, декабрь ойида Баҳрайн давлатида ёшлар ўртасида Параосиё ўйинлари ташкил этилади. Қитъамизнинг ушбу нуфузли мусобақасида ҳам спортчиларимизнинг муваффақиятли иштирокини таъминлашимиз лозим.

Жорий йил 18 майда Президентимиз томонидан имзоланган “Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор қабул қилинган эди. Ушбу ҳужжат мамлакатимизда паралимпия ҳаракатини сифат, мазмун-моҳият жиҳатидан янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга спорт билан шуғулланиш учун шарт-шароитларни кенгайтириш ҳамда улар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар қамровини янада оширишга хизмат қилиши билан ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу билан бирга, ҳужжатда барча турдаги спорт таълим муассасаларида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бор шахслар учун спорт бўлимларини босқичма-босқич ташкил этиш ҳамда жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган иқтидорли шахсларни танлаб олиш, уларни спорт турларига йўналтириш, тайёрлаш ҳамда олий спорт маҳоратига эришишини таъминловчи узлуксиз ягона комплекс тизим жорий қилинмоқда.



Олдимизда ҳали вазифалар жуда кўп. Сир эмаски, ҳозир юксак натижалар фақат ёзги Паралимпия ўйинларида қайд этилмоқда. Демак, энди қишки Паралимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турларини ривожлантириш бўйича ҳам ишларни тўғри ташкил қилишимиз зарур. Президентимиз учрашувда бу масалага ҳам тўхталиб ўтиб, эндиликда қишки спорт турлари бўйича ҳам параатлетларни тайёрлаш ва қишки Паралимпия ўйинларида ҳам муносиб иштирок этишни таъминлаш мақсадида “Амирсой” тоғ-чанғи спорт мажмуаси ҳамда “Ҳумо Арена” муз саройи базаларида паралимпиячилар учун шароит яратиш бўйича топшириқлар берди. Ҳозирги кунда бу борада режалар ишлаб чиқилмоқда. Мақсадимиз 2022 йили Хитойда қишки Паралимпия ўйинларида ўзбекистонлик спортчиларнинг иштирокини таъминлаш.

Президентимиз паралимпиячиларимиз билан учрашувда “Улар тақдир синовларига мардона бардош бериб, сабр-тоқат ва шукроналик руҳи билан ҳаётда ўз муносиб ўрнини топиб яшаётганининг ўзи катта жасорат ва қаҳрамонлик намунасидир. Бундай инсонларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти ҳақида халқимиз, айниқса, ёшларимиз қанчалик кўп хабардор бўлса, улардан ўрнак олиб яшаса, бу жамиятимиздаги маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга хизмат қилади”, дея алоҳида таъкидлади. Айни шу жиҳат туфайли ҳам паралимпиячиларимиз эришаётган натижалар ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

**Мухторхон ТОШХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси раиси.**

# БЕБАҲО НЕЪМАТЛАРГА СОҲИБЛИК БАХТИ

*Таниқли олим, академик, техника фанлари доктори, республикамизда композицион материаллар мактаби асосчиси Сойибжон Негматовнинг ҳаёт йўли ҳар биримиз учун ғоят ибратлидир. Унинг юзлаб шогирдлари орасида таълим даргоҳлари раҳбарлари, давлат ва жамоат арбоблари бор.*

## Илм-фан фидойилари

Ҳар бир инсоннинг умр йўли паст-баландликлардан иборатлиги барчага аён. Ўтган асрнинг 80-йилларида олий ва ўрта махсус таълим вазирининг илмий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида фаолият юритиб келаётган С. Негматов бошига ҳам қора булутлар кўланка ташлади. Москва “ташаббуси” билан Гдлян, Иванов бошчилигидаги текширувчилар гуруҳи республикамизга ёпирилгач, Сойибжон ака турли тазйиқлар остида вазир муовинлигидан бўшаб, илмий соҳага қайтди. Тошкент политехника институти (ҳозирги Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети)да ўз ташаббуси билан лаборатория очиб, шогирдларини ёнига чорлади. 1992 йилда вазирлик қошида “Фан ва тараққиёт” илмий-технологик мажмуаси фаолиятини йўлга қўйди.



Негматов мактаби қарийб ўттиз йилдирки, мамлакатнинг устувор соҳаларига янги ихтиролар, лойиҳалар ва ишланмаларни тақдим этиб келади. Олимлар-амалиётчиларнинг 2000 — 2021 йиллардаги яқин ҳамкорлиги натижасида нефть-газ, кимё саноати, қурилиш материаллари тармоқлари катта миқдорда иқтисодий самарадорликка эришди.

Устозга ҳамиша ҳайрат ва ҳавас билан қараймиз. Йўқласак, ёши улуғлигига қарамасдан, гоҳ Чирчиқдаги Нодир металлар ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш бўйича илмий-ишлаб чиқариш билашмасида, гоҳ Андижон ёғмой заводида, гоҳ Устюрт газ-кимё мажмуи ёки Қаршидаги “Ўзгеобурнефтгаз” акциядорлик компанияси идорасида, гоҳ “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компаниясида (бош маслаҳатчи) қайсидир долзарб масалани ҳал этаётганини эшитамиз. Шу боис ҳам юртимизнинг қайси ҳудудига бормайлик, кишилар олим ҳақида ҳурмат билан сўз юритишади.

— Ўтган асрнинг 80-йилларида кўплаб етук раҳбарлар билан бирга ишладим, вақти келганда ҳаммаси лавозимини тарк этишди, — дейди устоз. — Мансаб кишига боғлаб берилмаган, ука. Ёшларга айтмоқчи бўлган фикрим шуки, илм-фан билан ошно тутинган, илм ичида яшаган одам кам бўлмайди, илмдан узоқ одам эса ярим йўлда қолиб кетади. Бу — ҳаётий тажрибамда исботланган ҳақиқат.

Сойибжон акада сабр-тоқат, ирода, чидам кучли бўлиб, кунига юз-икки юз саҳифалик диссертация ё илмий мақола ёхуд амалий-инновацион лойиҳалар матнини кўздан кечиради.

Домланинг билимдонлиги, ташаббускорлиги, тадбиркорлиги эвазига “Фан ва тараққиёт” деб аталмиш илм даргоҳи йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Талабалар шаҳарчасида жойлашган ушбу мажмуа бир неча кичик корхоналар, лабораториялар, бўлимларни ўзида жамлаган. Устознинг ташаббускорлиги туфайли, корхона йилига 1-1,5 миллиард сўмлик фундаментал ва амалий тадқиқотлар грантларини ютади, уларнинг кимё саноати, нефть-газ тармоғида татбиқ этилиши ва кўрилган даромадни қўшиб ҳисобласангиз, йирик бир институтнинг салмоғидан ҳам ошиб кетади. Масалан, корхона олимлари ишлаб чиққан рангли металлургиянинг техноген чиқиндилари — рух ишлаб чиқариш саноатидаги клинкер асосида чиқиндисиз энергия ва ресурстежамкор, экологик тоза мис ишлаб чиқариш технологияси Ўзбекистонга йилига 20 миллион долларга яқин фойда келтириши исботланган.

Мазкур даргоҳда ҳозирги кунда юздан зиёд олимлар, йигирмадан зиёд ёш тадқиқотчи-олимлар меҳнат қилади. Бугунги кунга қадар Сойибжон Негматов илмий раҳбарлигида ўттизга яқин фан докторлари, етмишдан зиёд фан номзодлари ҳимоялари амалга оширилган. Олимнинг 700 дан ортиқ илмий мақолалари, 32 та монографияси, 80 та ихтироси эълон қилинган. Назаримизда, бундай кўламдаги натижадорлик мамлакатимизда камдан-кам олимда учрайди. Устознинг “Полимер композитлар яратиш асослари” номли монографияси АҚШ, Германия, Японияда чоп этилган. Академик С. Негматов АҚШ, Япония, Англия, Хитой, Германия, Италия, Ҳиндистон, Россия, шунингдек, МДҲ мамлакатларида бўлиб ўтган илмий анжуманларда ўз илмий-амалий ютуқларини ва тажрибаларини баҳам кўриб, ўзбек фанини хорижда танитиб келмоқда. Чиндан ҳам, устоз ғоялари, изланишлари маҳсулдорлиги бўйича мамлакатимиз олимлари орасида пешқадамлардан биридир.

Сойибжон Негматовни илм-фан соҳасида илдизлари чуқур кетган, шохлари кенг соя ташлаган улкан мевали дарахтга ўхшатиш мумкин. Баъзи олимлар шогирд етиштиришга вақт тополмайди, қизғанади ёки дангасалик қилади. Бундайлар таълим даргоҳида ишлашса-да, мевасиз дарахтдай умрини шахсий манфаати йўлида ўтказади. Домла бўлса, ҳар бир шогирдига ўғил-қизидек муомала қилади, бор меҳрини аямайди, йўл-йўриқлар беради: ютуғидан қувонади, камчилигини айтиб, биргаликда ечим излайди. Мақсади — натижадорликка эришиш! Янги ихтиро, грант лойиҳа ғолиби бўлиш, номзодлик, докторлик тадқиқотига раҳбарлик қилиш ва амалий ишларга бош қўшиш — устоз умр бўйи ҳаракат қилган натижалар... Камина ҳаёт синовларига учраганида, Сойибжон аканинг меҳр-мурувватидан кўп баҳраманд бўлганман. Бу инсон табаррук мураббийлари — академиклар Абдулла Уразаев ва Пўлат Ҳабибуллаев номи ҳамда хотирасини ҳам доимо эъзозлаб келади.

Устознинг илмий-амалий фаолиятига Ўзбекистон ҳамда хорижий эллардаги илм-фан жамоатчилиги юқори баҳо беришган. Фидойи олимнинг меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланиб, бир неча орденларга лойиқ кўрилган, 2017 йилда эса “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” унвонига сазовор бўлган.

Сойибжон Негматов мамлакатимизда ва хорижда танилган олим, йирик раҳбар ва бағрикенг инсон. Ҳа, бу шахс инсонийлик, оқибатлилик, ҳотамтойликда ҳар биримизга ўрнак бўларли зотдир. Домла буюк аждодларимиз, ота-боболаримизнинг урф-одат, анъаналарини чуқур билади. Иши кўп бўлишига қарамасдан, дўстлари, шогирдлари, қариндош-уруғларининг тўй, маърака ва тадбирлари бошида туради. Оқила, билимдон умр йўлдоши Малика опа доимо атрофида гирдикапалак. “От изини той босар”, деганларидек, устознинг фарзандлари ҳам тақдирини илм-фан билан боғлаган. Қизлари — Нодира техника фанлари доктори, айни пайтда, “Фан ва тараққиёт” давлат унитар корхонаси раҳбари, Комила эса техника фанлари доктори, “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмаси раиси ўринбосари, невараси Жаҳонгир номзодлик ишини тугалламоқда.

Инсон орзулари рўёбга чиқса, доим эл-юрт ардоғида юрса, фарзандлари камолини кўрса, ўзини саодатманд ҳис этиши, табиий. Академик Сойибжон Негматовга ана шундай бебаҳо неъматларга соҳиблик бахти насиб этган, десак, муболаға эмас. Устознинг ҳаёти ва илмий фаолияти Президентимиз ташаббуси — мамлакатимизда учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда зиёлиларга, ёш олимларга, барча ёшларга йўлчи юлдуз бўла олади.

**Бахтиёр ОМОНОВ,**
**сиёсий фанлар доктори, профессор.**

# ХАЛҚИМИЗНИНГ МАТОНАТЛИ ФАРЗАНДЛАРИ

***Ирода, матонат ва жасорат. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ушбу сўзларга аниқ ва батафсил таъриф берилган. Аммо бу сўзлар тилга олинганда бугун кўпчиликнинг кўз олдига яқинда Токиода ўтказилган XVI Паралимпия ўйинлари келиши, шубҳасиз. Жисмоний имконияти чекланган одамлар ўртасида ўтказилган ушбу нуфузли мусобақада иштирок этишнинг ўзи аслида жуда катта жасоратдир. Ўзбекистон паралимпиячилари бу сафар чинакамига қаҳрамонлик кўрсата олди. Спортчиларимиз 8 та олтин, 5 та кумуш ҳамда 6 та бронза медалини қўлга киритди. Жами 19 та медалнинг 11 тасига спортчи қизларимиз сазовор бўлгани сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, спортга бўлган диққат-эътиборнинг натижаси ҳисобланади.***

***Янги Ўзбекистоннинг довруғини эллар, қитъалар оша таратган паралимпиячиларимиз юртимизда муносиб тарзда кутиб олинди. Музаффар спортчиларимизнинг ҳар бирига Тошкент шаҳридан квартира, қимматбаҳо автомобиль ва пул мукофотлари туҳфа этилди. Президентимиз Фармонига мувофиқ бир гуруҳ спортчилар ва уларнинг мураббийлари давлатимизнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан тақдирланди.***

***Давлатимиз раҳбари 10 сентябрь куни XVI Паралимпия ўйинларида иштирок этган спортчи ва мураббийлар билан учрашиб, тақдирланганларга давлат мукофотларини топширди.***

***Паралимпиячиларимизнинг дил сўзларини ёзиб олар эканмиз, уларнинг кўзларида ёнган олов, сўзларидаги дадилликни кўриб, ҳали келажакда юртимиз мадҳияси жаҳон ареналарида кўп маротаба янграшига амин бўлдик.***

## Дил сўзи

**Феруз САЙИДОВ,**
**«Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби:**

— Инсон чин қалбдан ниманидир ният қилса, ўз мақсадлари ҳамда интилишлари йўлида толмаса, албатта, кўзланган манзилга етиб боради. Бугун мен чемпион бўлдим. Ниманинг ҳисобига? Тинимсиз меҳнатлар, чекилган заҳматлар, шунингдек, биз, ёшларга яратиб берилган қулай шарт-шароитлар эвазига, деб ўйлайман.

Президентимиз томонидан давлат мукофотлари билан тақдирланишимиз бизга билдирилган юксак ишонч, катта меҳр-муҳаббат ифодасидир. Бу бизга руҳий қувват, куч беради.

Давлатимиз раҳбари учрашувда “Матонат мактаби” ташкил қилинишини ва у ерда бизнинг фаолият олиб боришимизни айтди. Бу келажакда жуда кўп маҳоратли паралимпиячиларни тарбиялашда муҳим қадамдир. Албатта, бу борада бор салоҳиятимизни аямаймиз. Президентимиз ишончини оқлаб, келажакда юртимиздан Ватанимизга ғолиблик ҳаяжони, кўз ёшлари, ифтихор билан қайтадиган ўғил-қизларни вояга етказишга ҳисса қўшамиз.

**Дилафруз АҲМАДХОНОВА,**
**«Шуҳрат» медали соҳиби:**

— Паралимпия ўйинларида ғолиб бўлишимизда ички бир матонат ҳисси сабабчи бўлди, десам, адашмаган бўламан. Чунки бугун буни янада теранроқ, янада аниқроқ сезиб турибман. Ҳар қандай ғалаба ортида инсоннинг кучли сабр-матонати, шижоати туради. Айнан шу йўл одамни ғалабалик нашидасини тотиш мумкин бўлган маъвога олиб боради.

Мен ҳам мақсад қилдим, аввало, меҳнатдан, турли қийинчиликлардан бош тортмадим, шунинг натижаси ўлароқ бугун чемпион деган номга сазовор бўлдим, Юртбошимизнинг қўлидан олинган “Шуҳрат” медали кўксимни безаб турибди.

Юртимизда ҳар бир ёшга эътибор берилади, у имконияти чекланганми ёки йўқ, ҳаммасига бирдек меҳр-муҳаббат кўрсатилади. Бу меҳр-муҳаббат замирида, албатта, эртанги кунга, ғолибликка бўлган ишонч ётади. Биз бугун ўша ишончни қайсидир маънода оқлай олдик, эҳтимол. Лекин бу ҳали кам. Мамлакатимиз тараққиёти, ҳаётимиз фаровонлиги йўлида, Ватанимиз байроғини жаҳон ареналарида ҳилпиратишда бундан кейин ҳам бор кучимизни сафарбар этамиз.

**Нурхон ҚУРБОНОВА,**
**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони соҳиби:**

— Тўғрисини айтсам, мусобақада ҳам бунчалик хаяжонланмагандим. Куни кеча шахсан Президентимизнинг қўлларидан “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи” фахрий унвонини қабул қилиб олдим. Ич-ичимдан фахр, ифтихор туйғуларини туйдим, шунингдек, шу кунгача босиб ўтган йўлларим кўз олдимга келди.

Юртбошимиз бизга оталарча юксак меҳр кўрсатди, биз босиб ўтган йўлнинг қандай машаққатли экани ҳақида тўхталар экан, ичимиздагини топиб гапирди. 2024 йилда Парижда ўтказиладиган Паралимпия ўйинларида янада катта натижаларга эришишимиз учун қандай шароит керак бўлса, барчасини ҳозирлашини ҳам таъкидлади.

“Матонат мактаби”га келадиган бўлсак, Президентимиз биринчи шу ташаббусни билдирганида, “Менинг қизларим, менинг ўғилларим “Матонат мактаби” орқали бошқаларга ўрнак бўлади”, деганида кўксим фахрдан тоғдек кўтарилди. Мен ҳам ана шу мактабда имконияти чекланган, аммо юрти ва халқи учун майдонларда курашга тайёр қизларга сидқидилдан кўмаклашишга, устозлик қилишга ваъда бераман.

**Дилфуза ҲАСАНОВА,**
**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони соҳиби Асила Мирзаёрованинг онаси:**

— Бугун дунёдаги энг бахтли оналардан бириман. Чунки фарзандимнинг орқасидан шунча ҳурмат-эътиборга, шарафга лойиқ кўрилдим, Президентимизнинг ўзидан миннатдорлик эшитдим.

Бизга қарата “Шундай ўғил-қизларни тарбиялаганингиз учун, аввало, сиз, оналарга раҳмат”, деганларида кўзларимда ёш қалқиди, бутун вужудим жимирлаб, ҳаяжонга тўлдим. Юртбошимизнинг меҳри, қўллаб-қувватлаши билан болаларимиз Токиодан ғолиб бўлиб қайтишди, ўз юртига медаллар шодаси билан кириб келишди.

Ушбу ғалабалар болаларимизнинг Ватанимизга, халқимизга Мустақиллигимизнинг 30 йиллигига муносиб тухфаси бўлди. Ишонаманки, ҳали бундай чемпионлар юртимиздан кўп етишиб чиқади, ўз ғалабаси билан Ўзбекистонни дунёга танитади. Биз, оналар эса шундай Ватанига, халқига садоқатли, ўз мақсадлари йўлида матонатли фарзандларни тарбиялашда давом этамиз.

**Раҳматжон БОБОЖОНОВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

# МУЗАФФАР СПОРТЧИЛАРИМИЗ ЭЛУ ЮРТИМИЗ АРДОҒИДА

1

Нуфузли турнирда ҳамюртларимиз спортнинг бокс, дзюдо, белбоғли кураш, самбо, ўқ отиш турлари бўйича юқори натижаларга эришишди. I МДҲ ўйинларида ўзбек бокс мактаби тарбияланувчиларидан етти нафари олтин медалга сазовор бўлди. Хусусан, Гулсевар Ғаниева, Ситора Баҳодирова, Ойша Тоирова, Жавоҳир Қуйсинов, Саёт Илясов, Фаррух Тўлаганов, Бунёджон Амиров ўз вазн тоифаларида ғолиб чиқишди. Белбоғли кураш беллашувларида ҳам худди шунча олтин медаль қўлга киритилди. Беллашувларда Фарангиз Абдунабиева, Мафтунабону Маҳмудова, Нусратбек Султонбоев, Ойбекжон Муҳаммадов, Комронбек Ортиқов, Ойбек Султонов, Муҳаммаджон Расулов рақибларидан устунлигини намоён этди. Дзюдо беллашувларида эса Музаффар Тўрабоев, Шоҳрухжон Бахтиёров, Шукуржон Аминова, Ҳалимажон Қурбонова ўз вазн тоифаларида олтин медалга сазовор бўлди. Шунингдек, Муҳаммад Камолов ўқ отиш, Сабина Давлатова самбо, Фахриддин Ҳасанов муай-тай, Дилдора Алиқулова каратэ беллашувларида ғолибликка эришди. Шунингдек, мусобақалар давомида вакилларимиз бадиий гимнастика, дзюдо, бадминтон, баскетбол (қизлар), футзал (эркаклар) жамоавий беллашувларда совринли ўринларни қўлга киритишди.

Эътиборли жиҳати, ушбу турнирда 14 ёшдан 23 ёшгача бўлган спортчилар иштирок этди. Айни шу жиҳатга эътибор қаратсак, юртимизда олимпиадачиларнинг муносиб ворислари вояга етаётганига ишонч ҳосил қилишимиз мумкин.

Тадбирда I МДҲ ўйинлари ғолиб ва совриндорлари давлатимиз томонидан пул мукофотлари билан тақдирланди. Жумладан, олтин медаль соҳиблари 25 миллион, кумуш медаль эгалари 15 миллион ҳамда бронза медали совриндорлари 10 миллион сўм миқдоридаги пул мукофотлари билан рағбатлантирилди.

**Фазлиддин АБИЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 948. 31 673 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.20 Топширилди — 02.45 1 2 3 4 5 6